

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ


ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

Касб таълими факультети 5140901 - Касб таълими (иқтисодиёт)
бакалавр таълим йўналиши талабаси
Мавлянова Заринанинг

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: «Корхонада нарх стратегияси ва уни ишлаб чиқиш»
мавзусини кичик гуруҳларда ишлаш методи асосида
ўқитиш услубиёти ишлаб чиқиш

Раҳбар:



А.Б.Қурбонов

Маслаҳатчи:



К.З.Музаффарова

Иш бажарувчи:



З.Х.Мавлянова

«Ҳимояга рухсат этилди»

«ИТ ва П» кафедраси

муллари 

доц. З.Л.Ботиров

« 22 » 06 2013 й.

«Ҳимоя учун ДАК га юборилди»

«Касб таълими» факультети

декани 

доц. Қ.С.Жуманазаров

« 22 » 06 2013 й.

ҚАРШИ-2013 й.

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

Факультети таълим йўналиши
Факультети таълим йўналиши (Иқтисодиёт)

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

каф.мудири
доц. З.А. Ботирова
(имзо, ф.и.ш)

« 28 » 11 2012 й

Битирув малакавий иши учун

ТОПШИРИК

Мавлянова Зарина га
Иш мавзуси "Қорқоғона нарх стратегияси ва
"Ишлаб чиқиш" мавзусини қилиб тушунишда
методи асосида ўқитиш усулини
ишлатиш

№ 543/Т буйруғи билан 28.11.2012 да тасдиқланган.

Ишни топшириш муддати
Иш учун маълумот Президент асарлари қонун ва
қарорлар, илмий - иқтисодий, педагогик ме-
тодологиялар, дарсликлар ва бошқа материаллар.
Ишнинг изоҳ қисмининг мазмуни (ишлаб чиқилиши лозим бўлган савол-
ларга) 1. Қирғиз. Фан ва мавзунинг табиғи.
Ишнинг методикасининг умумий масалалари.
Ишнинг - иқтисодий масалалар масаласи.
Ишнинг назарий асосларини ўқитиш методикаси
Ишнинг адабиётлар рўйхати. Мундарижа.


Ишнинг рўйхати (бажарилиши шарт бўлган чизма ва графикалар)
Ишнинг саккиз бурчак таълим методлари
Ишнинг жараёни. Педагогик технология тушунишаси.
Ишнинг таълим воситалари. Қорқоғона нарх
стратегияси ва уни ишлаб чиқиш бўйича қарорлар

Иш бўйича маслаҳатчилар
Ж.З. Музаффарова
Ж.Р.Б.

7. Малакавий ишени бажарилиши бўйича календар график

№	Малакавий иш бўлимлари	Малакавий ишнинг ҳажми, бет	Умумий ҳажмга нисбатан %	Бажарилганлиги тўғрисидаги белги	Изоҳ
1	Ҳақиқат	6	4,8	бажарилди	яхши
2	Ҳақ ва мавзунинг тавсифи	4	3,2	бажарилди	яхши
3	Ҳитими методикасининг умумий мавзуслари	41	32,5	бажарилди	яхши
4	Иштирокчи - иштирокчи масаллар	46	36,5	бажарилди	яхши
5	Ҳазирчи ҳитими методикаси	12	9,5	бажарилди	яхши
6	Ҳамали ҳитими методикаси	9	7,2	бажарилди	яхши
7	Ҳуқуқ Файдаланишдан ярайдиганлар рўйхати. Муҳим	8	6,3	бажарилди	яхши
		126	100		

Малакавий иш раҳбари _____



А. Турдатов

Текшириқ олинган кун _____

Талаба _____



З. Мавлянова

Кириш.

Мустақилликнинг илк йилларидаёқ Президентимиз таълим соҳасини ислоҳ қилиш, ҳар томонлама етук, мустақил фикрлайдиган шахсни шакллантириш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш масалаларига жиддий эътибор қаратди. Ана шундай масалалар Президентимиз муаллифлигидаги Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш моделида тўлақонли акс этгани, миллий модел асосида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури яратилгани дунё ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган. У миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган юксак умумий ва касб-ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган кадрларни янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган.

Жумладан, Республикамиз Президенти И.А.Каримов “Кадрлар масаласини ҳал этмас эканмиз, саъй-ҳаракатларимиз кутилган натижаларни бериш, ҳаётимиз, маънавиятимиз ўзгариши қийин кечади. Демакки, замонавий таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш, замон талабларига мос кадрлар тайёрлаш ишини йўлга қўйиш фаолиятимизнинг бош йўналиши бўлмоғи лозим” деб таъкидлаган эдилар.

Бозор иқтисоди эркин пул-товар муносабатларига асосланган. Бу муносабатлар эса баҳолар ёрдамида амалга оширилади. Баҳо товар қийматининг пулда ифодаланганлигини исботловчи восита, яъни механизмдир. Унинг абсолют миқдори бозор иқтисоди шароитида самарали, чекланган харажатларга асосланади, яъни улар баҳонинг иқтисодий асосини ташкил этади. Ҳар қандай харажатлар ҳам самарали ҳисобланмайди. Шунинг учун маълум бир миқдоргача бўлган, яъни мақсадга мувофиқ сарфланган харажатларгина эътиборга олинади.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни яна чуқурлаштириш, қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни бошқаришнинг бозор тамойилларига мос келадиган ташкилий тузилмасини тадбиқ этиш натижасида мамлакатимизда ўтган йили 6 миллион 800 минг тонна ғалла, 3 миллион 500 минг тоннага яқин пахта, 8 миллион 200 минг тоннадан ортиқ сабзаёт ва полиз, қарийб 3 миллион тонна боғдорчилик маҳсулотлари етиштирилди. шу билан бирга, 6 миллион 600 минг тонна сут, 1 миллион 500 минг тоннадан ортиқ гўшт, 3 миллиард 500 миллион донадан зиёд тухум тайёрланди¹.

Фан-техника тараққиёти шароитида талаб ва таклиф ўзгаришини эътиборга олган ҳолда баҳоларнинг мутлақ (абсолют) миқдорини ўзгартириш, такомиллаштириш, яъни либераллаштириш лозим. Бу ниҳоятда мураккаб масала. Унинг ижобий ҳал этилиши жуда кўп томонларга, ҳолатларга боғлиқ.

Бу жиҳатдан қишлоқ хўжалигининг ривожланишига ўзига хос томонларни, жумладан ҳудудларда фермер хўжалигининг нарх белгилаш йщналишларини ва у билан боғлиқ иқтисодий омилларни ўрганиш долзарб ҳисобланади.

Кадрлар тайрлаш миллий дастуридан ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган. Узлуксиз таълимнинг айнан шу бўғини бевосита ишлаб чиқариш учун кадрлар тайёрлаб беради. Шунинг учун ҳам касб-ҳунар коллежларида таълим-тарбия жараёнини ҳозирги замон талабалари асосида ташкил қиладиган, янгича фикрлайдиган, мустақил ва ижодий фаолият кўрсатадиган юқори малакали педагог ва иқтисодчи-педагогларга эҳтиёж катта. Бугунги кунда касб-ҳунар коллежлари учун етук, юксак ахлоқий фазилатларга эга, ҳар

¹ Президент Ислам Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи, 2012 йил 6 февраль.

томонлама билимдон мутахассислар тайёрлаш долзарб вазифалардан биридир.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда 1396 касб-ҳунар коллежи ва 141 академик лицей фаолият кўрсатмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, бундай ўқув юртлари бугун мамлакатимизнинг энг чекка туманларида ҳам бор. Улар учун гўзал ва замонавий бинолар барпо этилган. Ўқув ишлаб чиқариш хоналари ва лабораториялар энг сўнгги техник ускуналар, замонавий аппаратуралар билан жиҳозланган. Бугун мазкур ўқув юртларида қарийб 1,7 миллион нафардан ортиқ ёшлар билим олмоқда. Уларга тажрибали педагоглар ва фан номзодлари сабоқ бермоқда.

1. Фан ва мазунинг тавсифи.

1.1. “Корхона иқтисодиёти” фанининг мақсади ва вазифалари.

Корхоналар очик тизим бўлиб, ташқи муҳитдан хом ашё ва энергия ресурсларини, маблағларни ва ишчи кучларини, информацияларни ва янги техника, техноллогияларни олади ҳамда унга тайёр маҳсулотлар, бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматлар шаклидаги меҳнат натижаларини чиқаради. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг корхонларнинг бозор иқтисодиёти шароитида иш юритиши учун уларнинг ҳуқуқий томонларига катта эътибор берилиб, бир қатор қонун ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

“Корхона иқтисодиёти” фани ўз ўқувчиларига таклиф этаётган мавзулар ичида корхонларнинг ресурслардан омилкорлик билан фойдаланиш масалалари алоҳида ўрин тутди. Корхонларнинг асосий функцияларидан бири ресурсларни маҳсулотга, бадариладиган ишларга ва кўрсатиладиган хизматларга айлантириш эканлиги барчага аён.

Касб-ҳунар коллежларида “Корхона иқтисодиёти” фанини ўқитиш асосида ўқувчиларга корхонада ва қишлоқ хўжалиги корхонларларида ишлаб чиқариш жараёни, маҳсулот таннархи ва унинг баҳоси, маҳсулот сотишдан келадиган фойда каби тушунчаларнинг моҳиятини ўргатилади.

1.2. “Корхона иқтисодиёти” фанининг бошқа фанлар билан алоқаси.

“Корхона иқтисодиёти” фани объектив иқтисодий қонунларни, уларнинг саноат корхоналари фаолиятида намоён бўлиш шартларини тадқиқ этади. Иқтисодиёт фани корхоналар, ташкилотлар ва хўжалик юритувчи бошқа муносабатлар ва субъектларнинг ишлаб чиқариш муносабатларини ўрганар экан, табиийки, техникавий ва шунга ўхшаш бошқа ёндош фанлар бўйича изланишлар натижасига таяниб иш кўради.

“Корхона иқтисодиёти” фан сифатида корхоналарга объектив иқтисодий қонунларнинг таъсирини, уларнинг намоён бўлиш шаклларини ўрганади. Корхона иқтисодиёти умумий иқтисодий қонунларга боғлиқ равишда уларни муайян ҳолатлар учун тадбиқ этади, чунончи, корхоналарга хос хусусиятларини белгилайди, бу қонунларнинг хўжалик юритиш фаолиятида амалга ошишини йўлга солади.

Корхона иқтисодиёти фани ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши билан ўзаро боғлиқ ҳолда, ишлаб чиқариш муносабатларини ўрганишни ташкил этади. Шунга кўра, унинг муҳим вазифаси корхоналарда машиналар, механизмлар, ускуналар, қурилмалар, ишлаб чиқариш технологияларининг қай даражада самарали ишлаётганлигини аниқлашдан иборатдир.

1.3. Касб-хунар коллежларининг мақсад ва вазифалари.

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими ягона ва узлуксиздир. Таълим турларидан касб-хунар коллежи ўқувчиларининг касб-хунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантиришни, танланган касблар бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишни таъминлайдиган уч йиллик ўрта касб-хунар ўқув юртидир.

Касб-хунар коллежи тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-хунар таълими беради; ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, танлаб олинган касб-хунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконини беради.

Касб-хунар коллежлари жиҳозланганлик даражаси, педагогик таркибнинг танланганлиги, ўқув жараёнининг ташкил этилиши жиҳатидан янги типдаги таълим муассасалари ҳисобланади. Улар бир ёки бир неча замонавий касб-хунарни эгаллаш ҳамда тегишли ўқув фанларидан чуқур назарий билим олиш имконини беради. Касб-хунар коллежларида ўқувчиларга ўз билимларини чуқурлаштириш ва танланган ихтисосликларга эга бўлишни таъминлайди. Касб-хунар коллежларининг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар берилади. Бу дипломлар таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки эгаллаган ихтисос ва касб-хунар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беради.

Касб-хунар таълимини ташкил этиш учун қуйидагилар зарур:

- касб-хунар коллежлари фаолият кўрсатишнинг норматив базасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- соҳа учун олий таълим муассаларининг, ишлаб чиқариш, фан ва маданият соҳасининг мутахассисларини жалб этган ҳолда юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, шу жумладан чет элларда тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;

- касб-хунар таълимини давлат таълим стандартлари асосида ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- касб-ҳунар таълими ўқув муассасалари учун таълим ва касб-ҳунар дастурлари, ўқув-услубий мажмуалар ишлаб чиқиш;

- касб-ҳунар коллежларида тайёрланадиган мутахассисларга нисбатан ихтисос ва касб-ҳунар малака талабларининг рўйхатини ишлаб чиқиш;

- касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника ва ахборот базаларини мустаҳкамлаш.

Касб-ҳунар коллежлари таълими сифатини яхшилаш мақсадида профессор-ўқитувчилар билимини рейтинг асосида баҳолаш тизими тадбиқ этилиши лозим. Буларнинг барчаси коллеж ўқувчиларини ўз йўналишлари бўйича чуқур назарий билим олишда кенг имкониятларни яратади.

2.Касб-хунар коллежларида ўқитиш методикасининг умумий масалалари

2.1.Касбий таълимда дидактика ва унга қўйиладиган талаблар.

Касб-хунар коллежларида барча фанларни ўрганишда дидактик тамойиллар муҳим ўрин тутди.

Дидактика (юнонча – didaktikos – ўқитадиган, ўргатадиган) – педагогиканинг билим олиш, таълим ва тарбия назариясига оид соҳаси. Дидактика талабаларнинг билим олиш ва шу билиш мазмунига, уни ўзлаштириш ва кўникмалар ҳосил қилиш жараёнини ташкил қилишга оид ҳамма масалаларни ўрганади.

Дидактика термини, дастлаб XVII асрда чех педагоги Я.А. Коменский томонидан ишлатилган. У «Буюк дидактика» асарида (1657 йил) дидактиканинг асосий масалаларини ишлаб чиққан. Дидактика XIX аср ўрталаридан педагогиканинг алоҳида соҳаси сифатида кўп мамлакатларда ўрганила бошланади. Ўзбекистонда дастлаб жадид мактабларида дидактиканинг принципларини (тамойилларини) ишлаб чиқишга ҳаракат қилинган.

Ҳозирги кунда дидактика соҳаси аввалги эришилган ютуқларни сақлаб қолгани ҳолда янгиликлар билан бойитилиб, Янги босқичга кўтарилмоқда. Бунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган халқаро нотижорат фондлари ва ташкилотлари катта ёрдам бермоқда. Жумладан, очиқ Жамият институти Кўмак жамғармасининг Ўзбек Ваколатхонаси (Сорос фонди) IREX, ТАСИС ва ҳакозолар.

Мамлакатимизда дидактика тарбиядан алоҳида ҳолда қаралмайди. У ёшларни тарбиялашдаги умумий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқади. Ёшларга таълим бериш жараёни жамият тараққиёти, фан-техника тараққиёти, жамиятнинг ўз олдига қўйган мақсади билан чамбарчас боғлиқ. Таълим ва тарбиянинг мазмуни, мақсадининг ўзгариши, дидактика

принциплари, услублари ва ташкилий шакллари ҳам ўзгаришга, ривожланишига сабаб бўлади.

Дидактика принциплари ўз навбатида ўқитиш, таълим бериш услубларини ва ташкилий шаклларини ҳам белгилаб беради.

Таълим бериш (дидактика)нинг асосий принциплари қуйидагилар:


- илмийлик ва объективлик;
- назария билан амалиётнинг боғлиқлиги;
- мутахассислар тайёрлашда изчиллик ва системалилик (тизимлилик);
- ўқув жараёнида талабаларнинг онглилиги, фаоллиги ва мустақил фикрлай билиши;
- индивидуал илмий изланишларни талабалар гуруҳи, жамоаси, ўқув жараёни билан бирга қўшиб олиб бориш;
- талабалар олган билим ва кўникмаларни пухталилиги;
- берилаётган билимнинг талабабоплиги;
- ўқув жараёнининг барча шаклларида таълим ва тарбиянинг бирлиги;

Дарс беришнинг шакллари, услублари турли туман. Дарснинг қандай шаклда олиб борилиши бу мақсад эмас. Мақсад ўтилаётган дарс ҳар бир талабанинг онгига етиб борсин. Бу ерда ҳал қилувчи ролни дидактик саккиз бурчак ва ўқув жараёнининг мазмуни ўйнайди.

Схемадан кўриниб турибдики, ўқув жараёнининг қандай ўтилиши қўйилган мақсад ва уни амалга оширилишининг бирлигидан иборат. Агарда ўқитувчи дарс берувчи сифатида ҳар сафар қандай қилиб, қайси усул билан дарс ўтса қўйилган мақсадга эришаман деб, ўз олдида савол қўйиб ўйласа, дарс ўтишнинг айнан мавзуга мос келадиган услубини танлаши мумкин.

Дидактик саккиз бурчак.

Ўқиш (ўрганиш)нинг мақсади



Дарс ўтишининг қандай услубини танлаш қуйидагиларга боғлиқ:

1. Ўқитиладиган гуруҳнинг дарсга тайёргарлик даражаси.

2. Ўрганиладиган предмет

3. Дарсда ўтиладиган мавзу.

4. Ўтиладиган мавзунинг мазмуни.

5. Дарс ўтишда қўллаш мумкин бўлган техник воситаларнинг мавжудлиги ва бошқалар.

Дарсни қандай ўтишда аниқ бир қарорга келишда, асосий мўлжал олишда дарсни нимага қартилганлиги муҳим аҳамиятга эга. Агар:

- мақсадга эришиш мўлжалга олинадиган бўлса дарс жараёнида қандай мақсадга эришиш керак, аниқ белгилаш лозим;

- дарсда қатнашадиганлар мўлжалга олинса, талабалар (ўқувчилар) гуруҳи кимлардан иборатлигига эътибор қаратилади;

- ўтиладиган мавзу, унга ажратилган вақт мўлжалга олинса, қандай ўқув материаллини талабалар онгига етказиш зарур ва унга қанча вақт ажратилганлигига диққат қартилади;

- ўқув воситалари мўлжалга олинса, кўлимизда қандай ўқув воситалари бор ва улардан қай даражада фойдаланишимиз мумкинлигини ҳисобга оламиз;

- Талабалар (ўқувчилар)нинг дарсга фаол ёки пассив қатнашуви мўлжалга олинса, қандай дарс ўтиш услубларини қўллан кераклигини танлаймиз;

-дарсни ташкил этиш мўлжалга олинса, қандай ташкилий шарт-шароитлар мавжудлигини ҳисобга оламиз;

-ўзлаштиришни назорат қилиш мўлжалга олинса, қандай тартибда талабалар билими назорат қилинади ва баҳоланади, диққат ана шуларга қаратилади.

2.2. Таълимни ташкил этиш шакллари

Таълимни ташкил этиш шакллари маълум ижтимоий тузумнинг манфаатларига мос холда шаклланган.

XVI асрнинг охири ва XVII асрнинг бошларида буюк чех педагоги Я.А. Коменский (1592 - 1670) тарихда биринчи булиб мактаб таълимида синф – дарс тизимини яратди.

Я. А. Коменскийнинг таълимни ташкил қилиш ҳақидаги қарашли бир қатор жиддий қаршиликларга учраган бўлса ҳам гарб мамлакатларига жуда тез тарқалди ва таълимни ташкил қилишнинг бирдан-бир шакли деб эътироф этилди.

Синф – дарс тизими шарқ мамлакатларига, жумладан Марказий Осиёдаги эски мусулмон мактабларига тадбиқ бўлмади. Уларда октябр тунтаришига қадар урта аср мактабларига ҳос таълим тизими давом этиб келди.

Бир уқиш хонасида 6 ёшдан 15 - 16 ёшгача бўлган болалар гуруҳи билан бир вақтда машғулот олиб бориларди. Шунингдек, бир уқиш хонасидаги (20 - 30) ўқувчининг билим даражаси ҳам турлича булар эди.²

Ўзбек мактаби октябр тунтаришидан кейин синф – дарс тизимига ўтди.

Синф – ёши ва билими жиҳатдан бир хил бўлган маълум миқдордаги ўқувчилар гуруҳидир.

Дарс деб бевосита ўқитувчининг раҳбарлигида муайян ўқувчилар гуруҳи билан олиб бориладиган таълим машғулотига айтилади.

Дарс – уқув ишларининг асосий ташкилий шаклидир.

Дарс – уқув ишларининг марказий қисмидир.

Айни пайтда, ўқув муассасаларида таълимни ташкил қилиш шакллари икки турда олиб борилмоқда.

1. Синф – дарс шаклида олиб бориладиган машғулотлар.

2. Амалий ва тажриба ишлари шаклида олиб бориладиган машгулотлар.

Синф – дарс шаклида олиб бориладиган машгулот Ўқитувчининг кундалик укув материални тизимли баён қилиб беришни, хилма-хил усуллардан фойдаланишини, Ўқувчиларнинг билим, қуникма ва малакаларини изчиллик билан ҳисобга олиб боришни, Ўқувчиларни мустақил ишлашга ургатишни уз ичига олади.

Амалий ва таржиба ишлари шаклида олиб бориладиган машгулотлар синф шароитидан ташқарида, укув устахонаси, тажриба ер участкалари ва қолхоз – совхоз экин майдонларида ишлаш, экскурсиялар утказиш йули билан олиб борилади.

Ҳозирги замон дидактикаси қуп йиллар давомида тупланган укутиш қоидалари, фан ютуқлари ва илғор тажрибалар асосида бойиб бормоқда дейишга асос бор. Аммо укув жараёнининг ҳамма қисмларини укутишни ташқил қилишнинг мазмуни, усуллари, воситалари ва шакллари билан муносабатлари яхши очиб берилмаган. Буларнинг ҳаммаси дидактик қоидалардан амалда фойдаланишни қийинлаштиради. Мактаб олдида турган янги вазифалар ва эҳтиёжлар Ўқувчиларга бериладиган таълим ва тарбия сифатини ошириш, уни янада ривожлантириш ва юқори босқичга қутаришни талаб қилади.

Ўқитувчи узининг аниқ шароитлари ва имқониятларига энг қуп мос қеладиган укув жараёнини онгли равишда танлаб олиши фойдадан холи эмас. Бу иш дарсининг муҳим томонларини танлашга таваққалчиликка, билим, қуникма ва малакаларни узлаштириш жараёнини бошқаришга қандайдир тасодифий ёндашишга йул қуймайди.

2.3. Касбий таълим жараёнида дарсга бўлган талаблар

Дарс, юкорида айтиб утилганидек, укитишни ташкил этишнинг узгармас шакли эмас. Укув амалиёти ва педагогик тафаккур доимо уни такомиллаштириш йулларини излайди. Бу сохада турли хил курик-танловлар, жумхурият микёсида утказилаётган педагогик укишларда уртага куйилаётган илгор Ўқитувчиларнинг фикр ва мулохазалари диққатга сазовордир.

Турли - туман фикр ва мулохазаларни ҳисобга олган ҳолда дарс куйидаги умумий дидактик талабларга жавоб бериши лозим:

1. Хар бир дарс маълум бир мақсадни амалга оширишга қаратилган ва пухта режалаштирилган бўлмоғи лозим.

2. Хар бир дарс мустаҳкам гоъвий - сиёсий йуналишга эга бўлмоғи лозим.

3. Хар бир дарс турмуш билан, амалиёт билан боғланган бўлмоғи лозим.

4. Хар бир дарс хилма-хил усул, услуб ва воситалардан унумли фойдаланган ҳолда олиб борилмоғи лозим.

5. Дарсга ажратилган хар бир соат ва дақиқаларни тежаб, ундан унумли фойдаланмок лозим.

6. Хар бир дарс Ўқитувчи ва Ўқувчиларнинг фаоллиги бирлигини таъминламоғи лозим.

7. Дарсда укув материалларининг мазмунига оид курсатмали куруллар, техника воситалари ва компьютерлардан фойдаланиш имкониятини яратмок лозим.

8. Дарс машгулотини бутун синф билан ёшасига олиб бориш билан хар қайси Ўқувчининг индивидуал хусусиятлари, уларнинг мустақиллигини ошириш ҳисобга олинади.

9. Хар бир дарсда мавзунинг характеридан келиб чиқиб, халқимизнинг бой педагогик меросига муурожаат қилиш ва ундан

фойдаланмок имкониятини изламок лозим.

Бир соатлик дарсга мулжалланган дастур материалларининг мазмунини баён килиш учун дидактик мақсад ва талабларга мувофиқ равишда ташкил килинган машгулот тури дарс турлари деб юритилади.

Таълим тизимида энг кўп қўлланиладиган дарс турлари куйидагилардир:

1. Янги билимларни баён килиш дарси.
2. Ўтилган материалларни мустахкамлаш дарси.
3. Ўқувчиларнинг билим, малака ва куникмаларини текшириш ва баҳолаш дарси.
4. Такрорий – умумлаштирувчи ва кириш дарслари.
5. Аралаш дарс (юкоридаги дарс турларининг бир нечтасини бирга кулланиш).

Хар бир дарс турининг маълум тузилиши ва хусусиятлари бор, бу нарса ўқитувчининг укув материалини тугри ва самарали тушунтиришига, мустахкам эсда колдиришга, такрорлашга ва унинг узлаштирилишини назорат килиб боришига ёрдам беради.

Маълум бир дарс тури билан олиб бориладиган машгулотларда иккинчи, хатто учинчи бир дарс турининг элементлари булиши мумкин. Масалан, мактабларимизда энг куп кулланиладиган дарс турларидан бири – янги билимларни баён килиш дарсидир. Бу дарс тури куйидагича тузилади:

- а) янги билимларни баён килиш;
- б) янги билимларни мустахкамлаш;
- в) янги билимлар устида машк килиш;
- г) янги билимларга боглик холда уй вазифалари топшириш.

Демак, хар бир дарс турлича куринишда булади, шу сабабли хам, шу дарсда янги билимни баён килиш билан бирга уни мустахкамлаш (иккинчи бир дарс тури элементи – савол–жавоб утказиш), янги билимлар устида машк утказиш (учинчи бир дарс тури элементи – масала ва мисоллар

ечдириш, грамматик тахлил, график ишлар олиб бориш), уйга вазифа (бошка бир дарс элементи – тушунтириш, йул-йуриklar курсатиш ва хоказо) каби бошка элементларнинг булиши хам мумкин. Шунга карамай, дарсдан кузланган максад ўқувчиларга янги билим беришга каратилган булса, бутун дидактик усуллар шунга буйсундирилади. Шунинг учун хам бундай дарс янги билим бериш дарси деб аталади.

Маълум дарс тури билан иш олиб борилаётганда бошка бир дарс элементлари асосий дарс туридан урин олиши ва айна пайтда асосий дарс турининг тузилишини ташкил килиши мумкин.

Демак, дарс тузилиши у ёки бу дарс турининг тузилишини, унинг кисмларини англатади.

Бирок, дарс турлари тузилишидаги хар кандай кисм – дидактик усул, дарс тузилиши булавермайди. У укитиш усули билан боглангандагина дарс тузилишини ташкил кила олади. Яъни дарс тузилишининг узгариши биланок дарс олиб бориш усули хам узгаради. Демак, дарснинг шу кисмига келиб, дарснинг шакли хам, усули хам узгаради, янгиланади. Бу билан дарснинг янги боскичи бошланади.

2.4. Касбий таълимнинг мазмуни. Ўқув-меъёрий ҳужжатлар.

Таълимнинг мазмуни унинг мақсадидан келиб чиқади. Таълимнинг мазмуни деганда, ўқувчиларнинг ўқиш жараёнида эгаллаб олиши лозим бўлган ҳамда тизимга солинган билим, малака ва кўникмаларнинг аниқ белгиланган доираси тушунилади.

Таълимнинг мазмуни бир қатор эҳтиёжларни ҳисобга олиш билан белгиланади:

1. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг энг зарур эҳтиёжлар, ижтимоий тузимнинг хусусиятлари.
2. Давлатнинг халқ таълими ва муайян турдаги ўқув юрти олдига қўядиган мақсад ва вазифалар.
3. Ўқитиш қоидаларидан келиб чиқадиган ва ўқувчиларнинг имкониятларини (ёш имкониятлари ва бошқалар) эътиборга олувчи дидактик талаблар.

Таълим мазмуни ўқув режаси, ўқув дастури ва дарсликларда ифодаланган.

Ўқув режаси - деб, ўқитиладиган фанлар, ўқитиш учун ажратилган соатлар ва ўқув йилини тузилишини белгилаб берувчи давлат ҳужжатига айтилади.

Ўқув режаси – барча умумтаълим мактабларида сўзсиз амал қилиниши лозим бўлган давлат ҳужжатидир. Унда синфлар бўйича ўрганилиши лозим бўлган ўқув фанлари ва ўша фанлар учун ажратилган ўқув соатлари кўрсатилган бўлади.

Мактабнинг ягона ўқув режаси халқ таълими вазирлиги тамонидан тасдиқланади.

Ўқув дастури – ўқув режаси асосида ишлаб чиқилади. Ўқув дастури ҳар бир ўқув фанининг ўқитиш учун ажратилган билим ҳажми, тизими ва фоявий – сиёсий йўналишини аниқлаб берадиган давлат ҳужжатидир.

Ўқув дастурида ўқув йили давомида ҳар қайси синфда алоҳида фанлар бўйича ўқувчиларга бериладиган илмий билим, кўникма ва малакаларнинг ҳажми белгилаб берилади. Дастурда ҳар қайси ўқув фанларининг мазмуни изчиллик билан ёритилади ва маълум мавзулар орқали кўрсатилади. Маълум мавзу юзасидан ўқувчи ўзлаштириши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар қисқача ифодалаб берилади.

Дарслик – ўқув жараёнининг зарур қисмидир. Кўп вақтлардан бери у ўқитишнинг энг муҳим воситаси ҳисобланар эди.

Ҳар бир ўқув фанининг мазмуни дарсликда батафсил ёритилади. Дарслик тегишли фанга оид илмий билим асосларини дастурга ва дидактика талабларига мувофиқ равишда баён қилувчи китобдир.

Дарсликлар билан бир қаторда айрим фанлардан ўқув қўлланмалар ҳам тузилади. Масалалар ва машқлар тўплами, хрестоматиялар, атласлар, луғат китоблари ваз у кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Ўқувчилар дарслик ва ўқув қўлланмалари билан ҳам дарсада, ҳам уй шароитида мустақил иш олиб борадилар. Дарслик материали катта тарбиявий аҳамиятга эга. У билан ишлаш тарбияланувчиларнинг аҳлий тарбиясига, уларда илмий дунёқарашнинг, ахлоқ, одоб, тафаккурнинг, нутқнинг, ишдаги мустақиллигини ривожланишига ёрдам беради.

Услубий қўлланмалар таълим муассасасининг илмий-услубий кенгаши томонидан тасдиқланади.

Луғат – аниқ бир тартибда жойлашган сўзлар (ёки сўз бирикмаси, идиомалар ва ҳоказо) тўплами, уларнинг мазмуни, ишлатилиши, келиб чиқиши, бошқа тилдаги таржимаси белгиланувчи предметлар ҳақида ахборот берувчи нашр.

Изоҳли луғат – сўзларнинг мазмунини изоҳлайдиган, ҳар бир сўзнинг грамматик, етимологик ва стилистик тавсифи берилган уларни қўллашга оид мисоллар ва бошқа маълумотлар келтирилган, қўшимча адабиётлар сифатида фойдаланиладиган нашр.

Маълумотлар тўплами – фойдаланишга қулай шаклда яратилган муайян фанни ёки таълим ёъналишини ўзлаштириш учун зарур бўлган, исбот талаб қилмайдиган маълумотлар, илмий кўрсаткич ва ўлчамлар, турли белги ва рақамлардан, илмий, ижтимоий-сиёсий, амалий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги қисқа маълумотлардан ташкил топган нашр.

Маълумотлар тўпламида бир қатор муҳим илмий-амалий масалаларни ечиш намуналари келтирилиши мумкин.

Маърузалар курси – фаннинг ўқув дастури бўйича ундаги барча мавзуларининг асосий мазмуни қисқа ёритилган, бирламчи янги билимларни олишга қаратилган, фойдаланиладиган асосий ва қўшимча адабиётлар кўрсатилган, ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар туркуми, мавзуга тегишли таянч атама ва иборалар келтирилган нашр, лектсиялар курсининг номи тегиш ли фан номи билан аталади.

Маърузалар тўплами – муайян фаннинг ўқув дастури бўйича ундаги айрим мавзуларнинг асосий мазмуни қисқа ёритилган, бирламчи янги билимларни олишга қаратилган, фойдаланиладиган асосий ва қўшимча адабиётлар кўрсатилган, ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар туркуми, мавзуга тегишли таянч атама ва иборалар келтирилган, даврий равишда таълим муассаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси бўйича чиқариладиган кичик ададли тарқатма материал.

Методик (услубий) кўрсатма – муайян фаннинг ўқув дастури бўйича курс ишлари, лаборатория ва амалий ишларни бажариш тартиби аниқ ва батафсил ифодаланган ҳамда ушбу фан бўйича талабаларда зарур амалий кўникмалар ҳосил қилишга мўлжалланган, таълим муассаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси асосида нашр этиладиган кичик ададли тарқатма материал.

Методик қўлланма – кўитувчилар ва билим олувчи учун мўлжалланган бўлиб, унда бир дарснинг мақсади, дарс ўтиш воситалари ва улардан фойдаланиш усуллари, дарснинг мазмуни, амалий машғулотлар,

қўшимча топшириқлар ва бошқалар ҳақида тавсиялар баён қилинадиган, таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси асосида чоп этиладиган нашр.

Шарҳ – жамият тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этадиган ме'ёрий ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек, баҳсга лойиқ асарларни, ғояларни, фикрларни ва та'рифларни изоҳловчи, муайян масалалар ечимини кўрсатувчи, кенг оммага мўлжалланган қўшимча адабиётлар сифатида фойдаланиладиган нашр.

Дайжест – илмий, илмий – услубий, ўқув, даврий адабиётлар, ҳукумат ва турли ташкилотлар фаолиятига тегишли қонунлар, қарорлар, низомлар мазмунининг қисқача баёни ва шарҳи келтирилган, соҳаларга оид маълумотлар тўплами сифатида фойдаланиладиган доимий нашр.

Электрон дарслик – компьютер технологиясига асосланган ўқув услубини қўллашга, мустақил таълим олишга ҳамда фанга оид ўқув материаллар, илмий маълумотларнинг ҳар томонлама самарадор ўзлаштирилишига мўлжалланган бўлиб:

- ўқув ва илмий материаллар фақат вербал (матн) шаклида;
- ўқув материаллар вербал (матн) ва икки ўлчамли график шаклида;
- мултимедиа (кўп ахборотли) қўлланмалар, яъни маълумот уч ўлчамли график кўринишида, овозли, видео, аниматсия ва қисман вербал (матн) шаклида ифодаланади.

2.5. Ўқитиш методларини танлаш ва асослаш. Таълим методлари

Халқ таълими вазирлиги, педагогика илмий тадқиқот институти, методист педагогларнинг, хусусан педагогика фанининг долзарб вазифаларидан бири - таълим-тарбиядаги муаммоларни, маҳаллий ва миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш, барча ўқув фанлари бўйича янги миллий дастурлар яратиш, таълимни поғоналаш, дарс жараёнини тоифалашдан иборатдир.

Шу муносабат билан яқин ўтмишдаги ўзбек уқув муассасасилари ўқитиш тарихига бир назар ташлаш айни пайтда таълим методларини ўрганишни осонлаштиради. Шубҳасиз, мазкур таълим методикаси тарихига оид манба муайян даражада таълимнинг методик бўшлиқларини маънавий жиҳатдан тўлдиради, педагог тарбиячиларнинг педагогик мерос ва халқ педагогикасига бўлган катта эҳтиёж ва қизиқишларини қондиради.

Кейинги вақтларда тараққий этган мамлакатларнинг уқув муассасаси соҳасидаги ютуқ ва тажрибаларини ўрганишга уни бизнинг шароитимизга жорий этишга эътибор кучайди. Шунингдек, халқ таълими кўламига инқилобгача бўлган ўқитиш тартибининг турлари (лицей гимназия) ҳам дадил кириб келмоқда. Бунга мамлакатимизда гимназияларнинг очилиши, лицейларни очилишини мисол қилиб келтириш мумкин.

Таълим беришда ўқитиш методлари асосий ўринни эгаллайди. **Метод**-юнонча атама бўлиб, усул, йўл деган маънони англатади, яъни мақсадга эришиш йўлини билдиради. Методлар (усуллар) ҳар қандай ахборотни (мақсадни) узатиш ва қабул қилиш характериға қараб қуйидаги синфларға ажратилади:

- Сўз орқали ифодаланадиган метод.
- Кўргазмали метод.
- Амалий метод.

Таълим жараёнида талабаларни ўзлаштириш, фикрлаш жараёнини ташкил этиш бўйича эса қуйидаги методларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Ўқитишнинг маъруза (сухбат) методи.
- Ўқитишнинг амалий ишлар методи.
- Лаборатория ишлари методи.
- Мустақил ишлар методи.
- Репродуктив-эвристик метод.
- Илмий-тадқиқот методи.
- Ўқитишнинг муаммоли-изланиш методи.
- Ўқитишнинг индуктив ва дидуктив методи.

Ахборотни сўз орқали етказиш ва қабул қилишга қаратилган биринчи гуруҳ методларига: Ҳикоя, сухбат, маъруза кабиларни киритиш мумкин.

2.6. Касб таълими жараёнида кўргазмали қуроллардан фойдаланиш.

Дарсни ташкил этишда кўргазмали қуроллар муҳим ўрин тутаяди. Дидактиканинг асосий принципларидан бири дарснинг кўргазмалилигини таъминлаш. Айниқса мураккаб назарий фан бўлмиш касбий таълим методикасини ўқитишда кўргазмали қуроллардан фойдаланиш талабаларга иқтисодий категорияларни, муаммоларни ўрганишда катта ёрдам беради.

Кўргазмали қуроллар ёрдамида талабалар бир вақтнинг ўзида муҳокома қилинаётган саволни, ахборотни ҳам эшитиш, ҳам кўриш орқали қабул қилиши шубҳасиз уларни пухта билим олишларига ёрдам беради.

Кўргазмали қуроллар хилма-хил. Тараққиётнинг ўзи бир томондан, фанни чуқур ўзлаштиришни зарур қилиб қўйса, иккинчи томондан, дарс беришнинг турли -туман янги услублари кўргазмалиликни ошириш, техник воситалардан фойдаланиш, уларни қўллашни такомиллаштириш орқали билим олишни осонлаштириш, қизиқарли жараёнга айлантиришга ёрдам беради. «Билим олиш игнада қудуқ қазиш билан баробар» деган

нақл бежиз эмас, чунки у ниҳоятда машаққатли меҳнат. Сабр-тоқатни талаб қилади. Табиий ёшларда энергия кўп, сабр-тоқат эса етишмайди.

Энг юқори малака, тажрибага эга ўқитувчилар ҳам дарсдан кўзланган мақсадга эришиш, талабаларнинг мавзуни пухта ўзлаштиришлари учун доимо аудиторияга қараб, дарс машгулотини маълум бир тартибда аввалдан қандай тарзда, қайси услубларни қўллаб ўтказишини ўйлаб кўйиши, режалаштириши керак.

Дарсни тузилиши психологик ва педагогик принципларга кўра ташкил этилиши ва дарсда вазиятни ўзгариши, талабаларнинг тайёргарлиги ва бошқа сабабларга кўра мослашиш имкониятини берадиган тарзда бўлиши керак. Дарсни қандай ташкил этишни режалаштириш, йўл кўрсатувчи йўлланма тарзидагина бўлиши мумкин. У ҳамма эшикни очадиган калит эмас. Сабаби: биринчидан, аудиториялар, талабаларнинг дарсга тайёрланиб келиши, дарсга фаол қатнашиш даражаси бўлган гуруҳлар фарқ қилади. Иккинчидан, мавзулар бир- биридан фарқ қилиб, масаланинг мазмунини очиб беришда турли усуллар қўллашни тақоза этади. Учинчидан, талабалар жонли мушоҳада юритувчилар экан, албатта бир дарс иккинчисидан фарқ қилади. Кутилмаган вазият содир бўлиши мумкинки, у ҳам албатта дарс ўтишга таъсир қилади, дарс таркибини ўзгартиришга олиб келади, Бунда ўқитувчи моҳир дирижёр оркестрни бошқаргандай аудиторияни бошқариши керак. Лекин кўргазмалиликни ҳар қандай шароитда таъминлаш мумкин!

Дарс жараёнида сўз билан ўқитувчи томонидан ёдга тушириш, талабаларнинг ҳаёлида гавдалантириш мумкин бўлган ички, ҳаёлий кўргазмали қуроллар: адабиёт, санъат асарлари, бадиий фильм, бадиий асар қаҳрамонлари ҳаётда юз берадиган турли воқеа, вазиятлардан одатда кенг фойдаланилади. Ҳар бир дарсни бошлаганда энг аввало ўқитувчи ўтилган мавзуни талабаларнинг ёдига туширади. Янги мавзуни бошлар экан, талабалар диққатини унга жалб қилиш, фикрини йўналтириш учун адабиёт, санъат асарлари ёки ҳаётда юз берган воқеани гапириб бериш

мумкин. Бу янги мавзунини ўрганишга талабалар руҳи, кайфиятини тайёрлайди.

Машғулоти жараёнида кўрсатиб изоҳлаш мумкин бўлган кўргазмаларни қуроллар: жадвал, схема, плакат, чизма, диаграмма ва бошқалардан фойдаланиш талабаларнинг билимини пухталаштиришда муҳим рол ўйнайди.

Дарсда доскани ишлатиш кўп вақтни оладиган, бошқа техник воситалардан фойдаланишга имкони йўқ аудиторияларда плакат, чизмалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Жадвал, схема, график, диаграммалардан фойдаланиш универсал:

- аввалдан слайд плёнкаларга чизиб, техник воситалар ёрдамида кўрсатилиши;

- ватман қоғозга чизиб, техник воситалардан фойдаланиш учун шароити йўқ аудиторияда фойдаланиш;

- ксерокопиядан чиқариб, тарқатма материал сифатида фойдаланиш;

- дискетга киритиб, компьютер орқали кўриш, таҳлил қилиш мумкин.

Хуллас, кўргазмаларни қуроллардан фойдаланиш даражаси кенг, улардан қандай тарзда, қандай мақсадда фойдаланиш ўқитувчига боғлиқ.

Ўқитувчи кўргазмаларни қурол танлар экан, албатта, аввало, маърузами ёки семинар дарсими эканлигини ҳисобга олади. Иккинчидан, қайси мавзу, бу мавзуда талабалар олдида ўқитувчи нима вазифа қўймоқчи, мақсади нима, муҳокама қилинаётган муаммони ечишда кўргазмаларни қурол қандай ёрдам бериши мумкинлигини ҳисобга олиб танлаши керак.

Масалан, жадвал рақамларидан маърузада бирон гипотезани, илгари сурилаётган фикрни тасдиқлаш мақсадида фойдаланилса, семинар дарсида масала ёки машқ бажарганда фойдаланиш мумкин. Бунда ҳам кўргазмаларни қуроллардан фойдаланиш даражаси ўқитувчининг моҳирлиги, фантазиясига боғлиқ.

Кейинги пайтда дарсларда тарқатма материаллардан фойдаланиш тобора кенг қўлланилмоқда. Тарқатиладиган материалнинг муҳим ижобий

томони шундаки, у бевосита талабанинг қўлида бўлиб, узоқдан кўрсатиладиган кўрғазмали қуроолларга хос камчиликлардан холи.

Кўрғазмали қуроолларнинг афзаллиги шундаки, уни дарс ўтишнинг барча шакллари, услубларида қўллаш мумкин. Айрим мавзуларни эса умуман намоёиш қилинадиган материалларсиз, кўрғазмали қуроолларсиз ўтиб бўлмайди. Буни бошқа бобларда берилган дарс ўтиш услубларида ҳам кўриш мумкин.

2.7. Техник воситалар ва улардан ўқув жараёнида фойдалиш

Аудиторияда талабаларга орқа ўтирган ҳолда доскага қараб туриб, гапирилган фикрни илғаш қийин. Оддий доска ёки варақланадиган (бир томондан иккинчисига ўтказиб қўйиладиган варақлардан иборат) доска билан биргаликда қўлланиладиган техник воситалардан проектор хисобланади.

Ишлашнинг ўзига хос афзалликлари ва камчиликлари.

Афзалликлари:

«Касбий таълим методикаси» фанини ўрганишда аудитория воситалардан фойдаланиш алоҳида ўрин тутаяди. Ҳозирги шароитда досканинг афзалликларига қўйидагиларни киритиш мумкин: хилма-хил техник воситалардан кенг равишда фойдаланиш - доскани ишлатишнинг осонлиги, доимо аудиторияда ишлатилиши. Техник воситалардан фойдаланиш усулига кўра талаба тайёрлиги – махсус техник воситалар ва қўшимча техник воситаларга бўлинади. Универсал ўзгартиришлар киритишнинг осонлиги, универсал воситаларга диаскоп, кодоскоп дарсни ўтишга қараб мос ҳолда ишлатиш мумкинлиги; магнитофон, видеомагнитофон, компьютер, телевизор каби қўшимча мисоллар келтириш мумкин, берилган саволларга жавоб бериш мумкин; киришга

мисолларни мослаштириш мумкин, махсус воситалар, маълум бир масалани мавзуни ёритиш мураккаб нисбатларни кўргазмалар ифодалаш мумкин. Қаратилган макет – видеофильм, кассета, диск кабиларни ўз ичига олади. Чизмалар, формулалар ва бошқаларни ёзиб кўрсатиш, қабул воситасини узатиш, тасвирлаш нуқтаи назаридан тушунишни осонлаштиради; воситаларни тасвирловчи (кодоскоп, диапроцессор, маълумотларни яхши ёдда қолдирадиган кабилар), товушли (магнитофон, радио. аудио кабилар) аудиторияда доскадан конспектга кўчирилган мисол ва расм, чизма, комплекс, видеомагнитофон. компьютер каби воситалар келгуси дарсларга яхши тайёрланишга ёрдам беради.

Камчиликлари:

Оддий доска ўқув жараёнида энг кўп қўлланилган воситадир. Доскага ёзаётганда талабаларга орқа ўгириб турилади, чиқим талаб қиладиган «техник» восита ҳисобланади аудитория билан кўз қараш орқали юз берадиган контактни узади.

Доскадан турли мақсадларда фойдаланиш мумкин – ёзилади, нотаниш сўз, ибораларни ёзиш; - кўп марта ишлатиб бўлмайди, бир марта ёзилган нарса турли чизмалар, диаграмма, схемалар чизиш – ўчирилади, расмлар ёрдамида иллюстрация қилиш, ёзиш – чизиш, мисоллар ечишга маълум бир вақт кетади. Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ахборотларни асосий формулалар ёзиш ва бошқаларни бизнинг миямиз қабул қиладиган хотирамизга кўзимиз ҳар бир аудиторияда доска (кўриш) орқали қабул қилар эканмиз.

Доскадан фойдаланиш учун бўр керак - дарс пайтида кўргазмалилик ёрдамида инсоннинг миясини ҳар иккала ярим шарида ўқитувчи илгари дарс ўтмаган нарсаларга тайёрлаш лозим. Агарда улар ҳам (ўнг ва чап) ишга туширилар экан. Кўргазмалилик досканинг ўлчамлари билан аудиторияда дарс ўтадиган бўлса тасвир ва ижодий қобилиятга жавоб берадиган ўнг ярим шар билан таққослаш керак. Дарсда доскадан оптимал қандай фойдаланиш билан танишиши мантиқий ва аниқ фикрлашни

бошқарадиган чап ярим шарни қилиш лозим. Ўқув материалларни талабалар онгига етказиш ҳамда уни оладиган қилиб ёзилишини таъминлашда техник воситаларнинг ёрдами катта. Бунда кодоскоп, ёзиб бўлгач гапириш керак, проектор ва бошқа техник воситалардан кенг фойдаланиш мумкин.

Дарс ўтишда кенг қўлланиладиган нисбатан оддий, бир аудиториядан иккинчисига олиб ўтиш осон техник восита проектор ҳисобланади. Бошқа воситалар каби проекторнинг ҳам ўзига хос афзалликлари ва камчиликлари мавжуд.

Проекторнинг афзалликлари ва камчиликлари куйидагилардан иборат:

Афзалликлари:

Дарс жараёнида доимий тасвирий контакт юз беради; плёнкалар дарс бошланишига қадар тайёр бўлиши мумкин; турли тарзда фойдаланишни ташкил қилиш мумкин, бир неча марта қайтадан фойдаланиш мумкинлиги; керак бўлмаган қисмини ёпиб қўйиш мумкинлиги.

Камчиликлари:

— талабалар диққатни ўқитувчидан узоқдаги тасвирга бутун қаратишади;

— плёнкадан кўчириб ёзиш вақт талаб қилади;

— плёнкага ёзиш, шунингдек, уни дарсга тайёрлаш кўп вақт талаб қилади.

Махсус ихтисослаштирилган аудиториялар, чунончи, компьютер, телевизор, видеомагнитофон билан таъминланган аудиторияларда дарс ўтиш борган сари оммалашиб бормоқда.

Тестлар ечиш, масала, машқлар бажаришда компьютерлардан фойдаланиш мумкин. Ундан ташқари қатор мавзуларни камраб олган улардаги амаллар реал ҳаётга яқинлаштирилган К118Е (АҚШ), МЭКОМ (Россия) ва бошқа дастурлар мавжуд. Улардан фойдаланиб компьютерларда ишлаш, талабалар ўртасида конкурслар ўтказиш мумкин.

Ҳозирча бизда касбий таълим методикаси фанидан дарс ўтишда қўллаш мумкин бўлган ўқув видеофильмлари мавжудлик даражаси деярли йўқ. Лекин уларни талабалар билан биргаликда яратиш мумкин.

Кейинги пайтда масофадан ўқитишнинг борган сари ёйилиб бориши, дарслик, қўлланмаларнинг электрон версияларининг яратилиши, ўқитиш жараёнида компьютерлардан янада кенгроқ фойдаланишга олиб келади.

2.8. Ахборот технологиясидан фойдаланиш самарадорлиги

Бугунги кунда ахборот технологиялари жамиятимиз ривожланишига таъсир этувчи энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Ахборот технологиялари инсоният тараққиётининг турли босқичларида ҳам мавжуд бўлиб, ҳозирги замон ахборотлашган жамиятнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ахборот технологиялари барча мавжуд технологиялар, хусусан янги технологиялар орасида етакчи ўрин эгалламоқда.

Ахборот технологияси ва техник воситалар самарасини белгилайдиган дидактик материаллардан кенг фойдаланиш замонавий педагогик технологияларнинг асосий белгиларидан биридир. Миллий дастурда таълим-тарбия жараёнини бошқаришнинг бу муҳим воситасига алоҳида урғу берилган. Ахборотли воситалар (компьютер, электрон алоқа, радио, телевидение) дан фойдаланиш даражаси икки омил билан аниқланади:

1. Ўқув жараёни учун ахборотли воситалар самара берадиган мавзулар юзасидан дидактик материалларни ишлаб чиқиш.
2. Педагогларнинг ўз амалий фаолиятларида техник воситалар ва дидактик материаллардан методик жиҳатдан тўғри фойдалана олиш тайёргарлигини текшириш.

Ахборотли таълим жараёни олдиндан педагогик лойиҳалангандагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Педагогик жараённи компьютерлаштириш асосий йўналишларидан бири ва замонавий педагогик технологияларнинг шуғулланиши лозим бўлган соҳасидир.

Ахборот технологиялари—бу одамларнинг билимларини ривожлантирадиган, уларнинг техника ва ижтимоий жараёнларни бошқариш бўйича имкониятларини кенгайтирадиган маълумотларни ташкил этиш, сақлаш, ишлаб чиқиш, тиклаш, узатиш усуллари ва техник воситаларидир. Яна шунингдек, ахборот технологиялари деганда, маълум бир мақсадга эришиш учун амалга ошириладиган жараёнлар занжиридан иборат яратувчи фаолият тушунилади. Агар технологик занжирни ташкил этувчи жараёнлар, улар орасидаги ахборот алмашинувини ташкил этиш ва уларни уйғунлаштиришда компьютерлардан фойдаланиш имконияти яратилса, ҳар қандай технологиянинг самарадорлиги ортади. Албатта, бунинг учун мазкур технологияни синчиклаб ўрганиш, жараёнлардаги ва улар ўртасидаги ахборот алмашинувини, шунингдек, жараёнлар занжирини (яъни технологияни) бошқаришнинг ахборот таъминотини таҳлил этиш зарурияти пайдо бўлади.

Ҳозирги замон ахборот технологияларининг асосини қуйидаги учта техника ютуғи ташкил этади:

1. Ахборотнинг машина ўқийдиган тушунчаларда жамлаш муҳитининг пайдо бўлиши (магнит, ленталар, кинофильмлар, магнит дисклар ва ҳ.);

2. Ахборотни ер шарининг исталган нуқтасига вақт ва масофа бўйича муҳим чеклашларсиз етказишини таъминловчи алоқа воситаларининг ривожланиши, аҳолининг алоқа воситалари билан кенг қамраб олиниши (радио эшиттириш, телевидение, маълумотларни узатиш тармоқлари, йўлдош алоқа, телефон тармоғи ва ҳ.);

3. Ахборотни компьютерлар ёрдамида берилган алгоритм бўйича автоматлаштирилган ишлаб чиқиш имконини (саралаш, таснифлаш, керакли шаклда ифодалаш, яратиш ва ҳ.) ошириш.

Ахборот технологиялари, биринчидан, ахборотнинг циркуляцияси ва ишлов бериш мажмуи, иккинчидан, бу жараёнларнинг тасвиридир.

Ахборот технологиялари таълим жараёнида муҳим ўрин тутиб, қуйидаги вазифаларни ҳал этишга ёрдам беради:

- ҳар бир одамга хос ноёб фазилатлардан иборат индивидуал қобилиятларни ўқитилаётган ўқувчи ва талабаларда очиш, сақлаш ва ривожлантириш, уларда билиш қобилиятларини, ўзини ўзи камолотга етказишга интилишни шакллантириш;

- воқеа ва ҳодисаларни комплекс ўрганишни, техника, ижтимоий, гуманитар фанлар ва санъат орасидаги ўзаро боғлиқликнинг чамбарчаслигини таъминлаш;

- ўқув-тарбия жараёнларининг мазмун, шакл ва методларини доимий динамик янгилаш.

Таълим тизими нуқтаи назаридан ахборот технологияларининг жорий этилиши билан бирга юзага келадиган қуйидаги муаммолар муҳимдир:

1. Техник муаммолар – булар таълим тизимида фойдаланиладиган электрон ҳисоблаш ва микропроцессор техникасига қўйиладиган талабларни, уни қўллаш хусусиятларини белгилайди;

2. Дастур муаммолари – булар таълим тизимида фойдаланиш учун дастур таъминотининг таркиби ва турларини, уларнинг қўлланиш таркиби ва хусусиятларини белгилайди;

3. Тайёргарлик муаммолари – булар ўқитувчи ва ўқувчи, педагог ва талабаларнинг ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш уқуви билан боғлиқдир.

Таълим технологиялари доимо ахборотли бўлган, чунки улар кўп хил ахборотни сақлаш, узатиш, фойдаланувчиларга етказиш билан боғлиқ эди.

Компьютер техникаси ва коммуникация воситалари пайдо бўлиши билан ўқитиш технологиялари тубдан ўзгарди. Таълим жараёнида ахборот технологияларини амалга оширилиши қуйидагиларнинг мавжуд бўлишини тақозо этади:

- таълимнинг техник воситалари сифатида компьютерлар ва коммуникация воситалари;
- таълим жараёнини ташкил этиш учун унга мос тизимли ва амалий дастур таъминоти;
- таълим-тарбия жараёнида янги ўқув- техника воситаларини татбиқ этиш бўйича мос методик ишланмалар.

2.9. Таълим жараёнида виртуал стендларни қўллаш

Янги тизим мутахассис кадрларини тайёрлаш учун фикр муҳим вазифаларни ҳал этишга ёрдам бера оладиган янги самарали, ҳаммабоп педагогик услубни жорий этиш зарурияти туғилди, деб айта оламиз. Бунинг учун лаборатория стендлари ва ўқув устахоналаридаги машғулотлар барча талабалар учун нафақат қизиқарли, балки қулай ва осон бўлишига эришмоқ лозим. Машғулотлар ўзига жалб эта олиши, барча руҳий ва дидактик омилларни ҳисобга олиши, жараёнларни жўшқин тарзда намоён этиши, машғулотлар ўтказиш ва ўқитилаётган фанни ўзлаштиришни, умуман бутун ўқитиш самарасини ошириши, эгалланган билимлар хусусида ўзига-ўзи баҳо бериш имконини таъминламоғи зарур. Айнан шу нуқтаи назардан замонавий ахборот технологияларининг татбиқ этилиши юқорида кўрсатилган вазифаларни мақбул тарзда ҳал қилиш ва анъанавий ўқитиш усулининг бир қатор камчиликларини бартараф этишга кўмак беради.

Бугунги кунга келиб, Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида виртуал стендлардан муваффақиятли фойдаланилмоқда. Хўш, виртуал стенд деганда нимани тушунамиз? *Виртуал стенд* – ўқув амалий стенди ёки

ўқув-малака устахонаси бўлиб, ўқувчи-талабаларнинг назарий билимларини мустаҳкамлашга, компьютер дастур ва технологиялари орқали маълум йўналишда зарурий кўникмаларни ҳосил қилишга ёрдам беради.

Виртуал стендлар ҳар бир ўқувчи-талаба учун техникага ўзининг кириш параметрларини «буюришга», ўз билимларини назорат қилишга имкон беради. Лаборатория ишини ўтказиш, уни зарур тартибда тушуниш ва ҳоказолар билан боғлиқ вақтдан йўқотиш эса компьютер самараси ҳисобига камайтиради.

Бунда, айниқса, замонавий жиҳозлар ва аппаратларни харид қилиш, уларни барча таълим муассасаларида тақсимлаш билан боғлиқ улкан молия захираларининг тежаб қилиниши муҳимдир. Замонавий ахборот технологияси бўлган оддий компакт дискка ўнлаб, баъзан эса, юзлаб лаборатория ишларини жойлаштириш мумкин. Энди эса бир дона шундай виртуал лаборатория стенди неча марта арзонга тушишини ҳисоблаб чиқиш қийин эмас. Бундан ташқари, улар билан бирга таълим муассасаларини таъминлаш мумкин. Агар уларда Интернетга уланган компьютер тармоғи бўлса, ундан ҳам яхши бўлади. Бундан шуни кўриш мумкинки, виртуал стендлар кўпроқ қўлланса, шундай сарфларнинг олдини олиш мумкин бўлади.

Интернет тизимининг халқаро ахборот тизими орқали масофали усуллар ёрдамида мутахассис кадрлар тайёрлаш ва педагогик кадрлар малакасини ошириш имконияти республика Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрда эълон қилинган махсус қарорида кўзда тутилган. Таҳсил олаётганлар ҳам, таълим муассасалари ҳам виртуал стендлардан фойдаланишдан манфаат кўрадилар.

Уларнинг жорий қилиниши натижасида, анъанавий таълимга қиёслаганда, мутахассисларни тайёрлаш бўйича таълим жараёнининг янада юқори сифати таъминланади. Бунга автоматлаштирилган ўқитувчи (педагог) ва тест ўтказувчи, тизимлар, тест топшириқлари ва ўз-ўзини

текшириш учун саволларни ўз ичига олган ихтисослашган ўқув-услугий кўлланмалардан фойдаланиш, ўқув жараёнининг услубий негизини тезкор янгилаш ҳисобига эришилади. Биз ўқитишнинг ташкилий шакллари, замонавий ахборот технологиялари ҳамда турли таълим масканларининг ўқув имконига эга бўламиз. Бу эса маълум даражада турли муассасалар мутахассислари дипломлари қадрни тенг бўлишини таъминлайди.

Демак, таълим жараёнида виртуал стендлардан самарали фойдаланиш таълим сифатини оширибгина қолмай, балки улкан молия захираларини тежашга имкон беради ҳамда хавфсиз, экологик тоза муҳитни яратади. Виртуал стендлар жорий этилиши таълим, ишлаб чиқариш, бошқа давлат муассасаларининг умумий ёндашувини талаб қилади. Виртуал ўқитиш стендларини, айниқса қимматбаҳо жиҳозни харид қилишдан олдин диққат билан ўрганиб чиқиш зарур. Бу ходимларни маҳаллий шароитда ўқитишга, таълим олувчиларни хориж мамлакатларига гуруҳ-гуруҳ бўлиб жўнашини олдини олишга имкон яратади.

Шундай қилиб, таълим жараёнига замонавий ахборот технологияларининг жорий этилиши қуйидагиларга олиб келади:

- таълим жараёнини, ўқувчи-талабаларнинг аниқ тайёргарлик даражасини, қобилиятларини, янги материални ўзлаштириш суръатини, қизиқиш ва майлларини ҳисобга олиб кўпроқ индивидуал равишда ёрдам бериш;

- ўқувчи-талабаларнинг билиш фаолиятларини кучайтириш, уларнинг ўзини ўзи такомиллаштириш, таълим ва касбга қизиқишларини шаклланишига интилишларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш;

- таълим жараёнида фанлараро алоқаларни кучайтириш, борлиқ ходисаларини комплекс ўрганиш;

- таълим жараёнининг мослашувчанлиги, омилкорлиги, ташкил топиш шакллари ва усулларини такомиллаштириш ҳисобига уни доимий ва динамик янгилаш;

- барча таълим муассасаларида ўқитишнинг муаммоли ва компьютер воситаларидан ҳамда виртуал стендлардан фойдаланиш;

- таълим жараёнининг технологик базасини ҳозирги замон техник воситаларини жорий этиш йўли билан такомиллаштириш.

2.10.Таълим жараёни технологиясини такомиллаштириш.


Ҳозирги кунда педагогик адабиёт, таълим муаммоларига оид маърузалар, расмий хужжатларда «Янги педагогик технология», «Илғор педагогик технология», «Замонавий педагогик технология» тушунчалари кенг қўлланилмоқда. Аммо, ҳозирги вақтда «Педагогик технология» тушунчаси ҳали ҳам бир тизимга туширилмаган, унинг мазмунини ягона талқини ишлаб чиқилмаган ва шунинг учун мазкур иборанинг бир — биридан фарқланадиган кўпгина таърифлари мавжуд. Берилаётган таърифлардан, ҳозирги вақтда кўпгина хорижий давлатларда талқин қилинаётгани ЮНЕСКО таърифидир. У қуйидагичадир:

«Педагогик технология — бу бутун ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнини ўз олдигаги таълим шакллари самарадорлаштириш вазифасини қўлловчи техник ҳамда шахс ресурслари ва уларнинг ўзаро алоқасини ҳисобга олиб яратиш, қўллаш ва белгилашнинг тизимли методир» (ЮНЕСКО).

Бу таърифдаги асосий тушунча «тизимли метод» эканлиги аниқ, қолган барча сўзлар педагогик технологиянинг тизимли сифатидаги таркибий қисмларини ифодалайди. Таълим мақсадлари, унинг мазмуни, ўқитиш ва таълим бериш методлари, назорат ва натижаларни баҳолашни ўзаро алоқада ва бир — бири билан боғлиқликда лойиҳалаш кўпгина анъанавий ўқув жараёнида етишмайдиган нарсадир.

Умуман олганда, педагогик технология — бу ўқитишга ўзига хос бўлган янги (инновация) ёндашувидир. У педагогикнинг ижтимоий — муҳандислик тафаккурининг ифодаланиши, технократик илмий онгининг педагогика соҳасига кўчирилган тасвири, таълим жараёнининг муайян стандартлашуви ҳисобланади. Ҳозирги кунда олимлар орасида педагогик технологияга қизиқиш кучайганлиги кўзатиламоқда. Аммо ҳозирги вақтда Республика миқёсида янги педагогик технологияларни аниқлашнинг ягона талаб мезонлари белгиланмаган. Аниқланган педагогик технологияларнинг самарадорлигини баҳолашнинг мезонлари ҳам келтирилмаган ва хоказо. Биз ҳозирги кунда Республикада илк бор тадбиқ қилинаётган янги педагогик технология йўналишлари, тушунчаларини умумий кўринишда беришга ҳаракат қилдик. Бизнинг вазифамиз академик лицей, коллеж ўқитувчиларига технологик ёндашув тўғрисида минимал зарур ахборотини беришдан иборат.

Таълим — тарбия жараёнининг самарали бўлишини таъминлаш, янада юқори босқичга кўтариш, бугунги кунда ўқитувчидан таълим жараёнининг боришини қайта—қайта атрофлича чуқур таҳлил қилишни талаб этади. Таълим жараёнида сунъий равишда ташкил қилиниб, қатор педагогик омилларнинг натижасида қўйилган мақсад амалга ошрилади, яъни (расмга қаранг)




Мазкур тизим анъанавий таълим технологиясининг табиий модели бўлиб, у йиллар давомида такрорланиб, ўқитувчи, талаба ҳаракатининг инстинктига айланиб қолган. Шунинг учун ҳам дарс тузилишидаги ўқув-билув жараёни юқоридаги расмга бўйсиндирилган. Ўқитувчи фаолият давомида дидактик принципларга амал қилади, методлар танлайди ва ҳар бир дарс ягона тугалланган ўқув бирлигига айланиб қолади. Дарсни ташкил қилиш унинг давомийлигини таъминлаш, унинг босқичларига амал

қилиш талабаларнинг билимларини ўзлаштиришнинг яккаю — ягона воситаси ҳисобланади.

Анъанавий таълим технологияси сўраш, тушунтириш, мустақамлаш, баҳолашдангина иборат ва ушбу тартиботни амалга оширишда ўқитувчининг педагогик маҳорати ёрдамга келади ва оқибатда услубий хизматнинг барча воситалари ўқитувчининг касбкор маҳоратини оширишга қаратилиши заруратга айланди. Ўқитувчи методи таълим технологиясига мос тушмайди, яъни таълим олиш технологияси жараёнида ўқувчи асосий объект бўлса методик хизмат соҳасида эса ўқитувчи асосий объект ҳисобланади. Дарсда ўқитувчи бош фигура. У ахборот бериш, сифатли ўқитиш билан овора, лекин ўқувчиларнинг янгиликларни қабул қилиш даражалари ҳар хил, хошиш — истаклари турлича, улар пассив эшитувчи, қулоқ солувчи, бу уларнинг ўқув жараёнидаги маъсулиятини, жавобгарлик хиссини сусайтиради. Демак, улар мустақил фикр юритиш, мулоҳаза қилиш, хулоса чиқаришдан йироқ. Дарс жараёнида, таълим — тарбияда ўқувчи асосий ҳаракатлантирувчи куч, таълим жараёни субъекти бўлиши керак, яъни ўқиш- ўрганиш, мутоала қилиш ўқувчи зиммасига ўтиши керак. Ўқитувчи эса ўқитишдан ўқишни ўргатишга, билим беришдан ўқувчиларнинг билимларни мустақил эгаллашларига кўмаклашиши зарур. У ўқувчини эҳтиёж туғдиришдан муҳит яратишга ва ундан маъсулиятни сезишга йўллаши керак.

Ҳар бир дарс учун таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи, яъни бир—бири билан ўзвий алоқада бўлган уч ёқлама мақсадлар қўйилади. Дарсни ташкил қилиш шакли унинг қатнашчиларининг ўзаро алоқаларига боғлиқ бўлиб, у мақсадларга, ўқув материали хусусиятларига таълим методдарига ва ўқув имкониятларига боғлиқ. Бунга эришиш учун ўқитувчи раҳбарлигида педагог билан ўқувчилар биргаликда ҳаракат қиладилар. Худди мана шу жараён дидактикада ўқув жараёни дейилади. Ўқув жараёни уч компонентдан иборат.



Ўқув жараёнига бундай янгича қарашнинг туб моҳияти шундан иборатки, ўқитишда ички мотивациядан (диққатни тортиш, ички туйғу, истак, заруратни шакллантириш) келиб чирши керак. Ўқув жараёнида асосий ҳаракатлантирувчи куч ўқувчи учун ҳам, ўқитувчи учун ҳам ички мотивация бўлиши зарур.

2.11. “Кичик гуруҳларда ишлаш” методи

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материални ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий ишдир.

Ушбу метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гуруҳларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш имконига, бошловчи ролида бўлиш, бири-биридан ўрганиш ва турли фикрларни қадрлаш имконига эга бўлади. “Кичик гуруҳларда ишлаш” методи қўлланилганда бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имконияти мавжуд бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуга жалб этади ва баҳолай олади. Қуйида “Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси келтирилган.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.
2. Кичик гуруҳлар белгиланади. Таълим олувчилар гуруҳларга 3-6 кишидан бўлинишлари мумкин.
3. Кичик гуруҳлар топшириқни бажаришга киришадилар.
4. Таълим берувчи томонидан аниқ кўрсатмалр берилади ва йўналтириб турилади.
5. Кичик гуруҳлар тақдимот қиладилар.
6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.
7. Кичик гуруҳлар баҳоланади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг афзалликлари

- мавзунини яхши ўзлаштиришга имкон беради;
- мулоқотга киришиш кўникмасининг шаклланишига имкон беради;
- вақтни тежаш имконияти бўлади;
- барча таълим олувчилар жалб этилади;
- ўз-ўзини ва гуруҳлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг камчиликлари

- баъзи кичик гуруҳларда кучсиз таълим олувчилар бўлганлиги сабабли кучли таълим олувчиларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;
- барча таълим олувчиларни бир хилда назорат қилиш имконияти кам бўлади;
- гуруҳлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин;
- гуруҳ ичида ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.



3. ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАР МАЖМУАСИ.


3.1 Баҳонинг иқтисодий мазмуни, аҳамияти, функциялари

Бозор иқтисоди шароитида юқоридаги ҳолатлар билан биргаликда талаб ва таклиф асосида иқтисодий жиҳатдан асосланган реал мувозанатли баҳо ўрнатилади. Рақобатли бозорда талаб ва таклифнинг ўзгариши баҳолар даражаси ўзгаришига бевосита таъсир этади. Шунинг учун корхоналар бозор талабини ҳамда таклифини чуқур ўрганган ҳолда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришлари лозим. Бунда улар имконият доирасида ишлаб чиқариш харажатларини тежашга алоҳида эътибор беришлари керак. Бунинг учун маҳсулот етиштириш жараёнларини механизациялаштиришга, илғор технологияларни жорий этишга ҳамда мавжуд бўлган барча табиий ва иқтисодий ресурслардан йил давомида оқилона ва самарали фойдаланишга алоҳида эътибор беришлари лозим.

Демак, қишлоқ хўжалик корхоналари бозор иқтисодиётига хос бўлган ҳолларни, яъни қиммат, қандай маҳсулотларни қанча миқдорда, қандай қилиб етиштиришни билишлари зарур.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаб эса ҳозирги даврда қуйидаги омилларга боғлиқ: истеъмолчиларнинг даромади, диди, ўриндош товарларнинг нархи, харидорлар миқдори ва бошқаларга.

Маҳсулотларга бўлган талабни ўрганишда халқимизнинг миллий урф-одатларини, албатта, эътиборга олиш керак. Жумладан, халқимизнинг нонни, ун маҳсулотларини, гуручни, қўй ва мол гўштини кўпроқ истеъмол этишга мойиллигини. Қишлоқ хўжалик корхоналари ўз маҳсулотларини талабни эътиборга олган ҳолда таклиф этишлари мумкин. Бунда улар қуйидаги омилларга асосланишлари лозим: етиштириладиган маҳсулотларнинг баҳосига, ишлатиладиган ресурслар баҳосига, қўлланилаётган технологиялар даражасига, самарасига, солиқ ставкасига, дотация миқдори, ишлаб чиқарувчиларнинг сонига ва бошқаларга.



1.1- расм. Қишлоқ хўжалик корхоналарида баҳонинг шаклланиши ҳамда вазифалари³

Юқоридаги ҳолатларга асосланган ҳолда қишлоқ хўжалиги тармоғида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг, иш ва хизматларнинг баҳоларини чизмадаги тартибда шакллантиришга эътибор қаратилади. Шакллантириладиган баҳолар эса бир қанча вазифалар бажарилишини таъминлаши зарур.

Демак, талаб ва таклиф омиллари ҳамда корхоналарнинг мақсадларини эътиборга олган ҳолдагина мувозанатлашган баҳо шаклланади. Мувозанатли баҳо эса иқтисодий жиҳатдан асосланган ҳисобланади. Иқтисодий жиҳатдан асосланган мувозанатли баҳо 20-чизмада қайд этилган функцияларни, вазифаларни бажариши лозим.

Маҳсулотга бўлган бозор талабини ҳамда баҳонинг шаклланишини эътиборга олган ҳолда белгиланган мувозанатли баҳолар хўжалик нуқтаи назаридан қуйидаги вазифаларни бажариши лозим:

- хўжаликларнинг мақсадга мувофиқ, самарли ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини қоплаш;
- корхонанинг давр ва молявий харажатларини қоплаш;


³ Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти – (дарслик). – Т.: ТДИУ, 2004. – 304 б

- хўжаликка келажакда ривожланишини таъминлайдиган оптимал миқдорда фойда келтириш.

Мувозанатли баҳолар истеъмолчилар ҳамда маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг харажатларини, даромадларини, фойдаларини тўғри тақсимлаб, уларнинг иқтисодиётини барқарорлаштириш ва ривожлантиришга самарали таъсир кўрсатиши мумкин. Лекин маҳсулот ишлаб чиқарувчилар монополист, сотиб олувчилар олигополист бўлган ҳолда маҳсулот баҳоларининг мутлақ даражаси кескин ўзгариши, бу истеъмолчилар ҳамда ишлаб чиқарувчилар иқтисодиётига турлича таъсир кўрсатиши мумкин. 2001 йили сув танқислиги оқибатида шоли ҳосили кескин камайди, бу ҳол 2002 йилнинг дастлабки ойларида бозорларда гуручнинг баҳосини 2-3 мартага ошиб кетишига олиб келди. Натижада ишлаб чиқарувчиларнинг даромадлари ортади, истеъмолчиларнинг даромадлари эса аксинча камаяди. Бундай ҳол уларнинг турмуш даражаси нисбатан пасайишига олиб келди. Пахта хомашёсини етиштиришда эса харажатлар вилоятлар, туманлар доирасида бир-биридан анча фарқ қилади. Сабаби – ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонроқ бўлган Хоразм воҳасида, Мирзачўлда кўпроқ харажат талаб этилади. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш, уларни олиб бориш билан боғлиқ бўлган харажатлар ҳам узоқ ҳудудларда жойлашган хўжаликларда кўпроқ бўлади. Сабаби – масофа сарф- харажатларнинг ортишига таъсир этади. Лекин давлат пахта хомашёсини сотиб олиш бўйича ўрнатган харид баҳоларининг мутлақ миқдори республика ҳудудларида бир хил. Бундай ҳол юқоридаги ҳолатлар мавжуд бўлган хўжаликларнинг иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатади. Чунки сўнгги йилларда етиштирилган пахта хомашёси тўлиқ давлатга давлат буюртмалари ҳамда шартномалар асосида сотилган.

Шундай экан, иқтисодий жиҳатдан асосланган мувозанатли баҳоларни шакллантиришда қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаб

ва таклифни эътиборга олиш лозим. Бунда давлатнинг ҳам роли бўлиши керак.



Бозор шароитида баҳонинг функциялари, вазифалари⁴

⁴ Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. – Қишлоқ хўжалиги иктисодиёти – (дарслик). – Т.: ТДИУ, 2004. – 304 б

3.2 ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЕР НАРХИ ВА МУВО ЗАНАТИ

Косон тумани “Галабек ” фермер хўжалиги ўзига узок муддат ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланилган холда кишлок хужалиги товар ишлаб чикариши билан шугулланувчи фермер хужалиги аъзоларининг бирлигидаги фаолиятига асосланган юридик шахс ҳуқуқларига эга булган мустакил хужалик юритувчи субъектдир.

Фермер хужалиги конун хужжатларида назарда тутилган тартибдан хар кандай юридик ва жисмоний шахслар билан шартнома асосида фукаролик ҳуқуқий муносабатларга киришишга ҳакли.

Косон тумани “Галабек ” фермер хўжалиги мақсади кишлок хужалиги маҳсулотларини етиштириш асосида даромад (фойда) олиш, аҳолини озик-овкат билан таъминлаш ҳамда ўз аъзоларининг ижтимоий иқтисодий эҳтиёжларини кондириш ҳисобланади.

Фермер хужалигининг вазибалари куйидагилардан иборат:

Ажратилган ерда агротехника коидалари асосида окилона ва самарали фойдаланган холда юкори ҳосил олинишини таъминлаш;

-кишлок хужалик маҳсулотларини етиштириш, уларни кайта ишлаш ва реализация килиш;

-чорва молларни ветеринария коидалари асосида етиштириш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш.

Фермер хужалигининг фаолият соҳасида куйидагилардан иборат:

-кишлок хужалиги маҳсулотларини етиштириш;

-кишлок хужалиги маҳсулотларини кайта ишлаш, саклаш ҳамда бозорларда сотиш шу жумладан уз савдо шахобчалари оркали реализация килиш;

-тижорат фаолияти ва маркетинг тадкикотларини ташкил килиш;

-аҳолига пулли хизматлар курсатиш;

-ташки иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

-фаолиятининг конун хужжатларида таъкикланган бошка турларини амалга ошириш.

Фермер хужалиги юридик шахсининг барча ҳуқуқларига эга булади. Фермер хужалиги тадбиркорлик шаклларида бири булиб, ташкил этилишидан кузланган мақсадларга эришиш учун шу мақсадларга монанд тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ҳақлидир. Фермер хужалиги хужалик юрителишининг бошка шаклларидаги корхоналар билан тенг ҳуқуқларга эга.

Фермер хужалиги куйидаги ҳуқуқларга эга:

Уставда назарда тутилган доирада ва кишлок хужалиги кооперативи (ширкат хужалиги)нинг умумий йигилиш қарори билан белгиланган ихтисослашувига мувофиқ фермер хужалигининг ишлаб чиқариш фаолиятини узига берилган ер участкасида мустақил ташкил этиш:

Этиштирилган маҳсулотни сотишга юридик шахслар билан хужалик шартномалари тузиш, шу жумладан конун хужжатларига мувофиқ давлат хариди юзасидан хужалик шартномалари тузиш;

Этиштирилаётган маҳсулотга мустақил равишда нарх белгилаш;

Узи этиштирган маҳсулотга эгалик қилиш, шу жумладан уни узи хохиши буйича истеъмолчиларга сотиш.

Харид қилинадиган маҳсулотга олдиндан ҳақ туланадиган фьючерс битимлари тузиш.

Косон тумани «Галабек» фермер хўжалигининг умумий ер майдони 2010 йилда 105 гектарни ташкил қилиб, кейинги йилларда ўзгармаган. 2009 йил 6 октябрда ўзбекистон Республикаси Президентининг 3077-сонли “Фермер хўжаликларига тасарруфидаги ер участкаларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш мақсадида махсус комиссияни ташкил қилиш тўғрисида”ги Фармойиши қабул қилиниши муносабати билан фермер хўжалигининг умумий ер майдони 38.5 гектардан 105.3 гектарга етган. Ер майдони 3,6

гектар тутзор, 1,9 гектар суғориш шохобчалари ва йўллар, 0,1 гектар иморатлар жойлашган, 0,3 қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдилан ерлар ва 99.1 гектар экин майдонидан иборат.

3.1-жадвал

Косон тумани "Галабек" фермерхўжалигининг умумий ер майдони

Ер майдони таркиби	Улчов бирлиги	Йиллар			2012 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариш
		2010	2011	2012	
Умумий ер майдони	га	105	105	105	100,0
Тутзорлар	га	3,6	3,6	3,6	100,0
Суғориш шохобчалари ва йўллар	га	1,9	1,9	1,9	100,0
Иморатлар	га	0,1	0,1	0,1	100,0
Бошқа ерлар	га	0,3	0,3	0,3	100,0
Экин майдони	га	99,1	99,1	99,1	100,0


Иқтисодиётда ер деганда, унинг табиий ресурслари тушунилади, яъни: ернинг ҳосилдорлиги, ундаги фойдали қазилма бойликлар ва ҳоказолар. Бунда биз ернинг устки қатламини қараймиз, яъни унинг устки қатлампидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда ёки қурилишда (уй-жой, мактаб, корхона ва ҳоказо) фойдаланиш мумкин.

Ернинг ўзига хос хусусиятларидан бири, у ҳар доим чекланган ва уни у жойдан бошқа жойга, яъни капитални кўчиргандай кўчириб бўлмайди.

Ер таклифига таъсир этувчи асосий омиллар - бу унинг ҳосилдорлиги ва қулай жойлашганлигидир. Маълумки, сифатли ерлар ҳар доим ва ҳар ерда чекланган бўлади. Сифатли, шаҳарларга яқин бўлган ерлар янада кўпроқ чекланган бўлади.

Маълумки, ернинг ҳосилдорлиги ернинг сифатига, об-ҳаво шароитига, сув билан таъминланиши мумкинлигига, унда меҳнат

қиладиганларнинг билимига, тажрибасига ва фойдаланиладиган техникага, экиладиган уруғ сифатига ва хоказоларга боғлиқдир. Юқоридаги омилларнинг кўпчилиги ўзгарувчан бўлиб, уларнинг таъсири ҳам ўзгарувчандир. Лекин, қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган капиталнинг ва меҳнатнинг ўзгариши ҳар доим ҳам бир хил содир бўлмайди. Улар одатда маълум муддат ўтгандан кейин ўзгаради.



2,1 -расм. Ер таклифи.

Таклиф чизиғининг абсолютэластик эмаслигидан шу келиб чиқадикки, унинг нархи (бир гектарига) қанчалик ошмасин, ер таклифи ўзгармайди. Ернинг реал нархи қандай бўлишини аниқлаш учун унга бўлган талабни таҳлил қилиш керак бўлади. Таклиф ўзгармаса, бозор нархини ўрнатилишида талаб катта роль ўйнайди.

Ерга бўлган талаб икки хил бўлади: қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун бўлган ерга талаб ва ноқишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун бўлган талаб.

$$D \text{ қ } D_{\text{қ/х}} \text{ қ } D_{\text{ноқ/х}},$$


бу ерда D - умумий талаб;

$D_{\text{қ/х}}$ - қишлоқ хўжалиги учун талаб;

$D_{\text{ноқ/х}}$ - ноқишлоқ хўжалиги талаби.

Ушбу талабларни графикда қуйидагича тасвирлаш мумкин (12.23-расм).

Бу ерда қишлоқ хўжалиги учун бўлган талаб чизиғи манфий ётиқликка эга. Нега деганда, ер унумдорлигининг камайиш қонунига асосан, мавжуд техника ва технология ўзгармаганда фойдаланиладиган ернинг ортиб бориши, унинг ҳосилдорлигини камайиб боришига олиб келади. Д.Рикардонинг (1772-1823) илмий асарлари ер унумдорлигининг камайиш қонунини кенг тарқалишида муҳим роль ўйнаган.



2.2 -расм. Ерга талаб.

Ноқишлоқ хўжалик соҳаларининг ерга бўлган талаб чизиғи ҳам манфий ётиқликка эга. Бу ерда ҳам қурилиш учун нафақат шаҳар ичидаги ерлардан фойдаланилади (улар чекланган), балки шаҳар атрофидаги ерлардан ҳам фойдаланишга тўғри келади. Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган соҳалар учун ерга бўлган талаб ўсиш тенденциясига эга. Ушбу талаб ўз ичига уй-жой қуриш учун бўлган талабни, инфратузилма объектлари учун ва саноат объектлари қуриш учун бўлган талабларни олади. Инфляция даражаси юқори бўлганда кўпчилик ортиқча пулини ер сотиб олишга сарфлайди (ерга бўлган инфляцион талаб). Шунинг учун ҳам ер бойликни сақлаш ва уни ортишини таъминлаш объекти сифатида қаралади. Ноқишлоқ хўжалик ерларга талаб ернинг ҳосилдорлигига боғлиқ бўлмай, кўпроқ унинг қулай жойлашувига (шаҳарга яқин) боғлиқдир. Одатда шаҳар марказларидаги ер нархи юқори бўлади, шаҳар марказидан йироқлашган сари эса унинг нархи камайиб боради.

Қишлоқ хўжалиги учун керак бўлган ерларга талаб унинг ҳосилдорлигига ва бу ҳосилдорликни ошириш имкониятларига, ернинг жойлашувига (қишлоқ хўжалик маҳсулотлари истеъмолчиларидан узоқлашиш даражасига) боғлиқ.

Қишлоқ хўжалик ерларига талаб озиқ-овқат маҳсулотларига бўладиган талаб билан белгиланади. Маълумки, озиқ-овқат маҳсулотларига талаб ноэластикдир. Инсонлар озиқ-овқатсиз яшай олмайдилар. Шунинг учун ам озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий турларига бўлган талаб, уларнинг нархи қанчалик ошмасин, кам ўзгаради.

Озиқ-овқат маҳсулотларига талабнинг ноэластиклиги шуни билдирадики, уларнинг таклифини кам миқдорда қисқартириш, маҳсулотлар нархини кескин ошиб кетишига сабаб бўлиши мумкин ва аксинча, таклифнинг кўпайиши (ҳосилдор йил келганда), озиқ-овқат маҳсулотлари нархини кескин камайиб кетишига олиб келиши мумкин.

Ер рента - чекланган ер ресурсларидан (бошқа табиий ресурслардан) фойдаланганлик учун тўлов.

Абсолют рента - бу барча ер эгалари томонидан ернинг сифатига боғлиқ бўлмаган ҳолда оладиган рентадир (абсолют рента К.Маркс томонидан киритилган).

Ер рентасини таҳлил қилиш учун қуйидаги шартлар бажарилган деб фараз қилинади:

ишлаб чиқарилган барча маҳсулот бозор учун ишлаб чиқарилади;


барча ерлар мукамаллашган бозор шароитида ижарага берилади;

барча ерлардан асосий озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун фойдаланилади;

барча ерларнинг унумдорлиги бир хил.

Ер таклифи абсолют эластик бўлмагани учун, ер таклиф чизиғи вертикал кўринишда бўлади (16.6-расм).

Ерга бўлган талаб чизиғи (ер унумдорлигининг пасайиш қонунига кўра) манфий ётиқликка эга.



2,3-расм. Ер бозорида мувозанат ҳолат.


Ер таклифи чизиғи ни талаб чизиғи билан кесишган нуқтаси ер бозоридаги мувозанат ҳолатини билдиради. мувозанат рента бўлиб, у ҳар ойда ижарачи томонидан ер эгасига тўланади. тўртбурчак юзи барча ердан фойдаланиш учун тўланадиган умумий рента. Агар асосий маҳсулот буғдой бўладиган бўлса, буғдойга бўлган талабнинг ортиши, ерга бўлган талабнинг ортишига олиб келади, натижада бир гектар ерга тўланадиган рента дан га кўтарилади. Ушбу ҳолат умумий (абсолют) рента тўртбурчак юзига тенг бўлади. Агар буғдойга бўлган талаб камайса, ҳар ойда тўланадиган рента ҳам камайди ва умумий рента қиймати тўртбурчак юзигача камайди.

Кўришиб турибдики, таклиф абсолют эластик бўлмаганда ер рентаси асосан унга бўлган талабга боғлиқ.

Дифференциал рента. Абсолют рентани қараганимизда, ернинг сифати, жойлашуви бир хил деб фараз қилган эдик. Ҳақиқатда эса ерлар ҳосилдорлиги бўйича ҳамда жойлашувига кўра бир-биридан фарқ қилади.

Фараз қилайлик, табиий ҳосилдорлиги бўйича 3 хил ер бўлсин, яъни, яхши, ўртача ва ёмон ерлар. Бу ерларнинг ҳосилдорлиги ҳар хил бўлганлиги учун, уларнинг тенг ўлчамдаги участкаларига тенг миқдорда капитал ва меҳнат сарфласак, турли хил натижа оламиз. Ҳосилдорлиги юқори бўлган ердан, бошқа ерларга нисбатан кўпроқ ҳосил оламиз ва бу ортиқча олинган ҳосил ернинг фақат табиий ҳосилдорлиги билан боғлиқдир. Яхши ҳосилдор ерга рента ўртача ер рентасига кўра юқори, ўртача ер рентаси эса ёмон ер рентасига кўра кўп бўлади, ёмон ер эгаси эса соф иқтисодий (абсолют) рента олади (16.7-расм).

Энг яхши ер эгаси ҳар бир гектар ердан ҳар ойига дифференциал рента ни олади, ўртача ер эгаси - рентани. Ёмон ернинг рентаси ногатенг. биз бу ерда яхши, ўртача ва ёмон ерларнинг ўлчами тенг деб фараз қилдик. Худди шунга ўхшаш дифференциал ренталарни ерларнинг жойлашувига кўра ҳам аниқлаш мумкин.



2,4 -расм. Дифференциал рента.

Биз юқорида ерларни табиий ҳосилдорлиги бўйича ренталарни кўрдик. Лекин, ер ҳосилдорлигини унга қўшимча капитал сарфлаб ҳам

(масалан, оптимал даражада ўғит бериш, янги агротехникани қўллаш) ошириш мумкин. Масалан, яхши ерга қўшимча капитал сарфласак, у қўйидаги оқибатларга олиб келиши мумкин: а) қўшимча капитал ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириши мумкин (бу ҳолда ер рентаси дан га ошади); б) сарфланган қўшимча капитал ишлаб чиқариш самарадорлигини камайишига олиб келади (бу ҳолда яхши ер рентаси пасайиб ни ташкил этади). Борди-ю, қўшимча капитал сарфи самарадорлик даражасини ўзгартирмаса, ер рентаси ҳам ўзгармайди.

Ер нархи ер рентасини капитализация қилиш ёрдамида аниқланади. Фараз қилайлик, маълум бир ер участкаси ўлчами ер эгасига бир йилда рента (сўмда) келтирсин. Ер қийматини аниқлашда ер эгаси учун альтернатив қийматдан фойдаланилади. Ер нархи шундай пул миқдорига тенгки, агар уни банкга қўйсак, ундан олинадиган фойда ушбу ердан олинадиган фойдага тенг бўлса. Демак, ер нархи келажакда олинадиган ер рентасининг дисконтирланган (келтирилган) қийматига тенг:

Ер нархи - бу капитални муддатсиз қўйиш демакдир.

Агар бўлса, у ҳолда

$$P_{\text{ьр}} = \sum_{k=1}^{\infty} \frac{P_k}{(1+i)^k} = \frac{P}{i},$$

бу ерда P_k - йил рентаси;

i - ссуданинг бозор фоиз ставкаси.

Агар рента 1000 сўм бўлса, ссуданинг бозор фоиз ставкаси 5% бўлса, ернинг нархи

50 сўм бўлади.

Ҳақиқатдан қараганда рента ижарачининг ер эгасига тўлайдиган ижара ҳақининг бир қисми ҳисобланади. Ижара ҳақи таркибига рентадан ташқари ер устидаги иншоотларнинг амортизацияси ҳамда ерга қўйилган капитал фоизи киради. Ер эгаси ер устига қандайдир қурилиш қилган

бўлса ёки иншоотлар қурган бўлса, уларнинг қийматини қоплаши керак, худди шундай, агар капитал сарфлаган бўлса, ушбу капиталга фоиз олиши керак. Ер эгаси ушбу капитални банкга қўйиб фоиз олиши мумкин эди.

Косон тумани «Галабек» фермер хўжалигида буғдой етиштириш функцияси қуйидаги кўринишга эга: $Q=400*X-2*X^2$

Q - буғдой ишлаб чиариш ҳажми ер майдони га боғлиқ. Бир центнер буғдойнинг нархи 20 сўм. Агар фермернинг ер майдони 20 гектар бўлса, у ер эгасига қанча миқдорда рента тўлайди? Агар фоиз ставкаси бир йилда 10% бўлса, бир гектар ер нархи неча сўмга тенг бўлади?

Маълумки, рақобатлашган бозорда ресурс (яъни, ер) нархи унинг пулда ифодаланган чекли маҳсулотига тенг, яъни

$$dQ/dX=MP_x=400-4*X$$

Ернинг пулдаги чекли маҳсулоти:

$$MPR=8000-80*X$$

Ер майдони 30 гектар бўлгани учун $MPR=8000-80*X=8000-80*20=8000-1600=6400$ сўм.

Демак, фермер ҳар бир гектар ер учун 6400сўм рента тўлайди.

Фермернинг умумий даромади:

$$R=(400*X-2*X^2)*20=182000$$

Ер нархи = ижара тўловлари/Фоиз ставкаси = $5600/0,1=56000$ сўм бир гектари учун.

3.2-ЖАДВАЛ

Косон тумани "Галабек" фермер хўжалиги экин майдонининг экин турлари бўйича тақсимланиши

	Ер майдони таркиби	Улчов бирлиги	Йиллар			2012 йилда 2010 йилга нисбатан
			2010	2011	2012	

						ўзгариш
1	Экин майдони	га	99,1	99,1	99,1	100
2	Пахта	га	62	68,0	66,0	106,5
3	Ғалла	га	37,1	31,1	33,1	89,2

Фермер хўжалигида экин майдони пахтачилик ва ғаллачилик учун ажратилган. Пахта экиш учун 2012 йилда 62 гектар ер ажратилган бўлиб, 2010 йилга нисбатан 65 фоизга ошган. Ғалла майдони 11 фоизга камайган.

Ер, сув қишлоқ хўжалигининг энг асосий ишлаб чиқариш воситалари экан, улардан қандай фойдаланилганини билиш зарур. Бунинг учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин:

а) **Умумий ер фондидан фойдаланиш коэффиценти (фоизи).** Унинг даражасини аниқлаш учун қишлоқ хўжалигида ҳақиқатда фойдаланилган ер майдонини фойдаланиш мумкин бўлган ер майдонига тақсимлаш лозим. Буни қуйидаги тенглик ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$ЕФК к \frac{ФЕ}{ФМЕ}; \text{ ёки } \frac{ФЕ}{ФМЕ} \times 100:$$

Бунда: ЕФК–умумий ер фондидан фойдаланиш коэффиценти, (фоизи);

ФЕ–қишлоқ хўжалигида фойдаланилган ер майдони, га;

ФМЕ – фойдаланилиши мумкин бўлган ер майдони, га.

Бу кўрсаткич коэффицентда ёки фоизда аниқланиши мумкин. Уни аниқлаш натижасида ердан фойдаланишнинг тўлиқлик даражаси аниқланади. Уни ҳақиқий даражаси, яъни коэффиценти 1 дан ёки 100 фоиздан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Бу кўрсаткични аниқлаш натижасида тармоқда (хўжаликда) қанча ердан фойдаланилган ва қанчасидан фойдаланилмаганлиги билинади. Шундан сўнг бундай ҳолнинг сабаблари аниқланиб, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади.

3.3-жадвал

Косон тумани "Галабек" фермерхўжалиги экин майдонининг
экинлар ҳосилдорлиги

	Ер майдони таркиби	Улчов бирлиги	Йиллар			2012 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариш
			2010	2011	2012	
1	Пахта	Тонна\га	3,1	2,2	3,5	112,9
2	Ғалла	Тона\га	2,8	2,900	3,2	114,3

Косон тумани "Галабек" фермер хўжалигида пахта ҳосилдорлиги 2012 йилда 31 центнерни ташкил қилиб, 2010 йилга нисбатан 12.9 фоизга ошган. Ғалланинг ҳосилдорлиги 2012 йилда 28 центнерни ташкил қилиб, 2010 йилга нисбатан 14,3 фоизга ошганлигини кўришимиз мумкин. Шунинг назарда тутиш керакки, экин ери учун қилинган меҳнат унумдорлигига, яъни экиннинг ҳосилдорлик даражасига табиий шароитлар, табиий омиллар ҳам катта таъсир кўрсатади. Қулай об-ҳаво шароитидагига қараганда унумдорликка ёки ҳосилдорликка эришиши имконини беради. Натижада об-ҳаво қулай келган йилларда ноқулай келган йиллардаги сингари бир хил ҳажмда меҳнат сарф қилинсада, лекин ҳосилдорлик юқори бўлади. Бу ҳол экинлар ҳосилдорлигини режалаштиришда бир йиллик натижа билан чекланиб қолмай, балки камида 5-6 йиллик ўртача даражага асосланишни талаб қилади. Режалаштириладиган ҳосилдорлик қанча узоқ муддатга ҳисобланадиган бўлса, эришилган ўртача ҳосилдорлик

даражасини шунча узоқ муддатга асос қилиб олиш мақсадга мувофиқдир. Ҳосилдорликнинг эришилган даражасини ўрганиш ва таҳлил қилишда корхона жойлашган зонадаги давлат уруғ синаш участкалари, тажриба станциялари ва илғор хўжаликлар ҳамда бригадаларнинг ҳосилдорликни ошириш тажрибалари умумлаштирилиши керак. Ҳосилдорликни унга таъсир этувчи энг асосий омиллар таъсирини ҳисоблаб чиқиш орқали режалаштириш мумкин. Бунда таъсири аниқланадиган омилдан бошқалари бир хил – ўзгармаган бўлиши керак. Таъсири ҳисобланадиган шундай омилларга минерал ва органик ўғитларнинг қўлланиши, янги уруғлик навлари, сув таъминоти ва ҳоказолар киради. Илмий-тадқиқот институтлари маълумотларига кўра, қўшилган ҳосилнинг ярми минерал ўғитлар ҳиссасига тўғри келади. Пахтачиликда ернинг табиий унумдорлиги гектар бошига ўртача 12-14 ц ҳосил олишини таъминлайди. Қолган ҳосил, яъни қўшимча ҳосил ерга қўшимча меҳнат ва маблағ сарфлаш натижасида, меҳнат унумдорлиги ошиши ҳисобига етиштирилган. Ҳақиқатда сарф қилинган соф миқдордаги ўғитнинг бир бирлигига етиштирилган ҳосил билиб олингандан кейин уни режалаштирилган қўшимча ўғит сарфига кўпайтириш орқали қўшимча олинадиган ҳосил миқдори аниқланади:

3.4-жадвал

Косон тумани "Галабек" фермер хўжалиги етиштирилган ялпи

ҳосил

	Ер майдони таркиби	Улчов бирлиги	Йиллар			2012 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариш
			2010	2011	2012	
1	Пахта	Тонна	192	150	231	120,2
2	Ғалла	Тонна	104	90	106	102,0

Фермер хўжалигида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш хажми унинг ҳосилдорлигига боғлиқ ҳолда ошиб борада. Косон тумани "Галабек" фермер хўжалигида пахтанинг ялпи ҳосили 2012 йилда 231 тоннани ташкил этиб, 2010 йилга нисбатан 20 фоизга камайган. Ғалла етиштириш 2012 йилда 104 тоннани ташкил этган бўлса, 2010 йилга нисбатан 2.6 фоизга ошган. Фермер хўжалигида пахта ер майдонинг камайиши ҳисобига унинг ялпи ҳосили камайган. Ғаллачиликда эса ушбу кўрсаткич ҳосилдорликнинг ошиши натижасидир.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб чиқаришининг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш асосида ривожланишини таъминлаш учун етиштирилган маҳсулотларнинг бир қисми бу борадаги талабларини қондириш мақсадида ишчи-хизматчиларга иш ҳақи ўрнига натура ҳолида берилади, уларнинг овқатланишлари учун ажратилади. Шунингдек, аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида уларга маълум миқдордаги маҳсулотлар текинга берилади.

Ҳозирги даврда қишлоқ хўжалик корхоналарида етиштирилаётган маҳсулотлар муайян каналлар бўйича тақсимланмоқда ва сотилмоқда.

3.3 ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА СОТИШ БАҲОЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИККА ТАЪСИРИ.

Тармоқда мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятида ҳар хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирадилар, хизматларни бажарадилар. Улар даставвал натура шаклида ҳисобга олинади, кейин ҳар хил талабларни қондириш мақсадида сотилади, айирбошланади ҳамда истеъмол учун ишлатилади. Бу жараёнда етиштирилган маҳсулот, хизматларнинг қиймати пул-товар муносабатлари ёрдамида аниқланади.

Маълумки, ялпи маҳсулотнинг қиймати буюмлашган (C) ҳамда жонли меҳнат (V) харажатларидан, шунингдек, қўшимча қийматидан (m) ташкил топади. Ялпи маҳсулот қийматидан ишлаб чиқариш жараёнида ишлатилган моддий воситаларнинг қиймати ҳамда эскириш суммаси (C) айрилиши натижасида тармоқнинг, корхонанинг ялпи даромади ёки янғитдан яратилган қиймат аниқланади ($V+m$). У тармоқ миқёсида ялпи ички маҳсулот ёки миллий даромад деб аталади. Маҳсулотларни сотиш, хизматлар кўрсатиш натижасида хўжаликнинг банклардаги жорий ва валюта счетларига кассасига келиб тушадиган маблағлар унинг пул тушумлари (даромадлари) ни ташкил этади. Шу пул тушумларидан сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш харажатларини айириш натижасида корхонанинг ялпи фойдаси аниқланади. Ялпи фойда суммасидан давр харажатлари, солиқлар, тўловлар, жарима ва пеня суммалари айрилиши натижада соф фойда аниқланади.

Хўжаликлар ялпи маҳсулот миқдорини сифатини таъминлаган ҳолда кўпайтиришга эришсалар, ялпи даромад, ялпи ва соф фойда суммалари кўпайиши мумкин. Бу ҳол, ўз навбатида, корхона ишчи-хизматчиларини моддий рағбатлантириш учун қўшимча имкониятлар яратади, уларнинг иш ҳақларини ошириш ҳамда мукофотлаш учун ҳам, маҳаллий ва давлат бюджетига ҳам ва ниҳоят, корхона ишлаб чиқаришини кенгайтирилган

такрор ишлаб чиқариш заминида ривожлантириш учун ҳам кўпроқ маблағ ажратилади. Натижада ишлаб чиқаришга янги техникалар, самарали технологияларни жорий этиш таъминланади. Бу ҳол меҳнат ҳарактерини ўзгартириб, унумдорлиги ошишини таъминлайди.

3.5-жадвал

Косон тумани "Галабек" фермер хўжалигида бир центнер маҳсулот таннархи

	Ер майдони таркиби	Улчов бирлиги	Йиллар			2012 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариш
			2010	2011	2012	
1	Пахта	Тонна\сўм	487779	488295	491684	100,8
2	Ғалла	тонна\сўм	102492	138870	214196	209,0

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлиги маҳсулотларнинг таннархига боғлиқ.. Фермер хўжалигида пахта ва ғалланинг бошқа кўрсаткичлари сингари ошиб борган. Ушбу кўрсаткич хусусиятига кўра ўсишни тақозо қилса, аммо уни пасайтириш самарадорликни оширади. Фермер хўжалигида пахтанинг бир тоннасининг таннархи 2012 йилда 491684 сўмни ташкил қилиб, 2010 йилга нисбатан 0.8 фоизга ошган. Ғалланинг бир тоннасининг таннархи 2012 йилда 214196 сўмни ташкил қилиб, 2010 йилга нисбатан 9.0 фоизга ошган.

Косон тумани "Галабек" фермерхўжалигида бир центнер
маҳсулот соиш баҳоси

	Ер майдони таркиби	Улчов бирлиги	Йиллар			2012 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариш
			2010	2011	2012	
1	Пахта	тонна\сўм	696827,4	813825,2	702406,3	100,8
2	Ғалла	тонна\сўм	170819,7	173587,5	356993,3	209,0

Фермер хўжалигида асосан пахта ва ғалла маҳсулотлари сотилади. Пахта ишлаб чиқариш таннархи ошиб бориши билан бирга уларнинг сотиб олиш баҳолари ҳам ошиб борган. Чунки уларга сарфланаётган харажат элементлари нархи ошиб борган. Маҳаллий бозорда ва жаҳон бозорида ҳам нархларининг ошиб бориши кузатилади. Косон тумани Косон тумани "Галабек" фермер хўжалигида пахтанинг бир тоннасининг 2012 йилда ўртача 702406 сўмни ташкил қилиб, 2010 йилга нисбатан 0.8 фоизга ортган. Ғалланинг бир центнер сотиш баҳоси 2012 йилда 356993 сўмни ташкил этиб, 2010 йилга нисбатан 9.0 фоизга ошганлигини 2.7- жадвалдан кўриш мумкин.

3.7- жадвал

Косон тумани "Галабек" фермер хўжалигининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Улчов бирлиги	Йиллар			2012 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариш
			2010	2011	2012	
1	Ялпи товар махсулот	Минг сўм	151675,0	137404,1	200068,6	131,91
2	Ялпи товар махсулот таннари	Минг сўм	111094,5	103835,9	152492,3	137,26
3	Фойда(зарар)	Минг сўм	40580,5	33568,2	47576,3	117,24

4	Рентабеллик	%	36,53	32,33	31,20	0,85
Пахтачиликда						
1	Ялпи товар маҳсулот	Минг сўм	133930, 2	121748, 2	162255, 9	121,15
2	Ялпи товар маҳсулот таннархи	Минг сўм	100447, 7	91311,2	129804, 7	129,23
3	Фойда(зарар)	Минг сўм	33482,6	30437,1	32451,2	96,92
4	Рентабеллик	%	33,3	33,3	25,0	0,75
Ғаллачиликда						
1	Ялпи товар маҳсулот	Минг сўм	17744,8	15655,9	37812,7	213,09
2	Ялпи товар маҳсулот таннархи	Минг сўм	10646,9	12524,7	22687,6	213,09
3	Фойда(зарар)	Минг сўм	7097,9	3131,2	15125,1	213,09
4	Рентабеллик	%	66,67	25,00	66,67	1,00

Косон тумани "Галабек " фермер хўжалигида ялпи товар маҳсулот 2010 йилда 151675.0 минг сўмни ташкил қилиб, 2012 йилда бу кўрсаткич 200068 минг сўмга ўсган, 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 1.3 марта ошган. Жами маҳсулотларни етиштириш учун харажат 2010 йилда 111094 минг сўмни ташкил қилиб, 2012 йилда 152492.3 минг сўмни ташкил қилган, 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 1.3 марта ошган. Олинган фойда 2010 йилда 40580.5 минг сўмни ташкил қилиб, 2012 йилда 47576.3 минг сўмни ташкил қилган , 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 17.2 фоизга ошган. Рентабеллик даражаси 2010 йилда 36.53 ни

ташқил қилиб, 2012 йилда 31.2 ни ташқил қилган. 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 00.9 бирликка ошган.

Пахтачиликдадан олинган ялпи даромад 2010 йилда 133930.2 минг сўмни ташқил қилиб, 2012 йилда минг сўм бўлган, 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 1.6 марта ошган. Пахтачиликда қилинган харажат 2009 йилда 45965.9 минг сўмни ташқил қилиб, 2011 йилда 75258.9 минг сўмни ташқил қилган, 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 1.2 марта ошган. Олинган фойда 2009 йилда 7624 минг сўмни ташқил қилиб, 2011 йилда 9406 минг сўмни ташқил этиб, 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 23.4 фоизга ошган. Рентабеллик даражаси 2011 йилда 19.9 ни ташқил этиб, 2009 йилга нисбатан 0.8 бирликка камайган.

Ғаллачиликда ҳам ишлаб чиқариш суръатининг ўсиши кузатилади. 2011 йилда ғаллачиликдан олинган даромад 20275.9 минг сўмни ташқил қилиб, 2009 йилга нисбатан 1.6 марта ошган. Қилинган харажат 2011 йилда 18781 минг сўмни ташқил этиб, 2009 йилга нисбатан 1.7 марта ошган. Ғаллачиликдан олинган фойда 1494.3 минг сўмни ташқил этиб, 2009 йилга нисбатан 28.3 фоизга камайган. Рентабеллик даражаси 2011 йилда 19.9 ташқил этиб, 2009 йилга нисбатан 0.4 пунктга камайган.

Корхонанинг маълум бир даврдаги пул даромади (тушумлари) жами сотилган маҳсулотлар, хизматлар миқдорини уларнинг ҳақиқий баҳоларига кўпайтириш натижасида аниқланади. Унда ушбу формуладан фойдаланиш мумкин:

$$Пд = См \times Мб$$

Бунда: Пд – пул даромади (сўмда);

См – сотилган маҳсулотлар, хизматлар миқдори (тонна, цент.);

Мб – сотилган маҳсулотларнинг, қилинган хизматларнинг баҳолари, тарифлари.

Корхонанинг ялпи даромади ёки янгитдан яратилган қиймат суммасини ялпи маҳсулот қийматидан ишлатилган асосий воситаларнинг эскирган қийматини, яъни амортизация суммасини (С) айириш натижасида аниқлаш мумкин. Унинг формуласи қуйидагича:

$$(C + V + m) - C = V + m$$

Бунда: С – асосий воситаларнинг амортизацияси суммаси, сўмда;

V – иш ҳақи фонди, сўмда;

m - қўшимча қиймат, сумда.

Корхонанинг ялпи фойдаси маҳсулот сотиш(хизмат кўрсатиш)дан тушган пул даромадалридан шу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатларни айириш натижасида аниқланади. Уни қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$Яф = Сд - Ст$$

Бунда: Яф – ялпи фойда, сўмда;

Сд – маҳсулот сотишдан, иш, хизмат кўрсатишдан тушган пул, сўмда;

Ст – сотилган маҳсулот учун сарфланган ишлаб чиқариш харажатлари, сўмда.

Корхонанинг соф фойдаси ялпи фойда суммасидан давр харажатлари, кўзда тутилмаган харажатлар, молиявий харажатлар суммасини айириш натижасида аниқланади. Буни ушбу тенглик ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$Сф = Яф - (Дх + Мх + Кх)$$

Бунда: Сф – соф фойда суммаси;

Дх – давр харажатлари, сўмда;

Мх – молиявий харажатлар суммаси, сўмда;

Кх – кўзда тутилмаган тасодифий харажатлар, сўмда.

Корхона ишлаб чиқариш жараёнининг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткич рентабеллик ҳисобланади. Унинг даражасини аниқлаш учун соф фойда суммасини таннарх ёки ишлаб чиқариш харажатлари суммасига тақсимлаб, 100% га кўпайтирилади. Унинг тенглиги қуйидагича:

$$P_d = \frac{C\phi}{C_T} \times 100\% , \text{ Бунда: } P_d - \text{рентабеллик даражаси, фоизда.}$$

Бу кўрсаткич ёрдамида корхона, тармоқ миқёсида алоҳида маҳсулотларни етиштириш учун қилинган ишлаб чиқариш харажатларининг иқтисодий самарадорлик даражаси аниқланади. Шу усул ёрдамида 1 сўмлик ишлаб чиқариш харажатлари эвазига олинган соф фойда суммаси аниқланади. Бунинг учун олинган соф фойда суммаси ишлаб чиқариш харажатларига тақсимланиши лозим. Бу кўрсаткичлар даражаси қанчалик юқори бўлса, бу иқтисодий самарадорлик даражаси ҳам юқори, яъни яхши эканлигидан далолат беради.

Корхона фаолиятининг рентабеллик меъёри, умумий иқтисодий самарадорлиги ҳам аниқланиши мумкин. Бунда ишлаб чиқаришда қатнашадиган ерларнинг ҳам, асосий воситаларнинг ҳам қийматлари ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқдир. Ернинг қиймати эса қишлоқ хўжалик ерлари қийматини аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган услубий қўлланма ёрдамида аниқланади. Бунда рентабеллик меъёри ушбу тенглик ёрдамида аниқланиши мумкин:

$$P_H = \frac{C\phi}{A_{и\phi} + (A_{с\phi} \cdot E_k) + E_k} \times 100\% ,$$

Бунда: P_H – рентабеллик меъёри, фоизда;

$A_{и\phi}$ – айланма фондларнинг ўртача йиллик қиймати, сўмда;

$A_{с\phi}$ – асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати, сўмда;

E_k – асосий фондларнинг иқтисодий самарадорлик коэффициенти (0,12);

E_k - ернинг қиймати, сўмда.

Бу кўрсаткич ёрдамида корхона ихтиёридаги барча ишлаб чиқариш ресурсларидан иқтисодий жиҳатдан самарали фойдаланганлик даражаси аниқланади.

3.3. Қишлоқ хўжалигида баҳони аниқлаш ва белгилаш йўналишлари.

Қишлоқ хўжалигида баҳо сиёсатини бошқариш фирмаларнинг ўзларининг умумий мақсадларига мувофиқ баҳолар бўйича барча қоида, қонун ва қарорларни амалга ошириш бўйича кундалик фаолиятidir. Корхоналар баҳо белгилашда икки хил баҳо сиёсатидан, биринчиси - ягона баҳо сиёсатини ёки иккинчиси - ўзгарувчан баҳолар сиёсатини қўллашлари лозим. Ягона баҳо сиёсатида маркетолог бир хил товарга ягона баҳо белгилайди. Бу баҳо барча харидорларга ҳар қандай шароитларда бўлмасин бир хил таклиф этилади. Ўзгарувчан баҳолар сиёсатини ўтказиш бир хил товарнинг ўзини турли истеъмолчиларга бозор вазиятига қараб, ҳар хил нархларда сотиш мумкиндир. Баҳолар оқибат натижасида истеъмолчиларга маъқул келиши учун кор-хона улгуржи ва чакана савдо доирасида баҳоларни бошқариш бўйича маълум тадбирларни амалга оширадilar. Бу борада психологик баҳо алоҳида аҳамият касб этади. Бундай баҳо белгилаш талабга қараб баҳони бошқариш усули ҳисобланади, бунда баҳо масалан, минг сўм эмас, балки 999 сўм каби яхлитланмаган ҳолда белгиланади, яъни товар гўё арзонроқ кўринади.

Рағбатлантириш баҳосини белгилаш ҳамхаридорни ўзига жалб қилишда муҳим роль ўйнайди. Бундай баҳони белгилашда харидор психологияси эътиборга олинади, яъни улар савдолашишни яхши кўришлари ва иккинчидан меъёрдаги нормадан паст нархлар истеъмолчини ўзига маълум даражада диққатини тортиши ҳисобга олинади. Шунинг учун ҳам бир қанча фирмалар ўзгарувчан баҳоларни фақат арзонлаштирилган товарларни сотишни рағбатлантиришдагина

эмас, балки яхши маълум бўлган, харидорлар баъзан қиммат товарларни ёки машҳур савдо маркаларига мансуб товарларни сотишда ҳам қўллайдилар. Бундан кутилган мақсад - харидорларни жалб этиш ва шу баҳонада бошқа товарларни ҳам одатдаги нархда сотиш имкониятига эга бўлишдир. Харажатларнинг ўсиб борши шароитида баҳоларни ошириш, товар оборотини ўстиришга имкон бермайди. Баъзан харажатларни кўпайиши фақат миқдорий томонларни ўзгартириш, оғирлиги, хажми, миқдори, ўлчамини қисқартириши билан қопланиши мумкин. Товарлар ассортиментини бошқариш, уларни ўзгартириш баъзи ҳолларда харажатлар ва баҳоларнинг ўсиш даражаси ишлаб чиқарувчиларни айрим маҳсулот турларига баҳони энг юқори талаб даражасида белгилашга мажбур этади. Бундай вазиятда фирмалар товар таркибини ўзгартириш ёки мутлақо янги товар таклиф этиши лозим. Ягона ва ўзгарувчан баҳолардан фойдаланган ҳолда фирма бозорга кириб боришида қуйидаги яна баҳо сиёсатларидан фойдаланиши мумкин.

"Қаймоғини олиш" ва бозорга "кириб келиш" сиёсатлари. "Қаймоғини олиш" сиёсати янги товарлар учун баҳо юқори даражада белгиланади. Бозор ўзлаштирилиб аста-секин тўйинишидан сўнг эса истеъмочиларни янада жалб этиш мақсадида баҳо туширилади, товарларга арзонроқ баҳо белгиланади. "Қаймоғини олиш" сиёсати яхши натижа бериши учун товарларга бўлган талаб нархларга қисман таъсирчан бўлиши; харидорлар маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларидан кам хабардор ва шу сабабли белгиланган суммани тўлашга тайёр туришга; бозорда товарга рақобат бўлмаслиги; бозор доирасида нарх сегментлари мавжуд бўлиб, улар муайян чегараларда нархни ўзгартириб туришда имкон бериши лозим. "Қаймоғини олиш" сиёсати фирмага барча харажатларни тез ва тўлиқ қоплаш имконини беради. Бу сиёсатнинг камчилиги юқори нархлар фойда беради ва рақиблар сонини кўпайтириб юборади, чунки унга қизиқувчилар сони кўпайиб кетади. Шунини ҳам ёдда тутмоқ лозимки, баҳолар ғоят юқори бўлса, бундай товар бозорда яхши ўтмаслиги мумкин,

Чунки у харидорни чўчитиб юборади. Бу сиёсат маркетинг фаолиятида маълум ўзгаришлар ва шароитга мослашишларини амалга ошириш заруриятини кўяди. Масалан, нархларнинг пасайиб боришига қараб, реклама қилиш тартиби, таркиби ҳам ўзгариб боради, сотиш усуллари ўзгаради, тақсимлаш таркиби йирик магазинлардан кен истеъмол товарлари сотиладиган савда шаҳобчаларига ўтказилади.

"Кириб олиш" сиёсати паст нархларни жорий қилиш ва катта ҳажмли товар оборотини амалга оширишга қаратилган сиёсатдир. Бунда товарларга паст баҳо белгиланади. Оқибатда товарларнинг сотиш ҳажмини кескин ошириб, товарни юқори нархларда сотишга қараганда кўпроқ тўлиқ даромад келтиради деб ҳисоб юритилади. "Кириб олиш" кўпроқ бозор нарх сегментларига бўлинмаган ва юқори нархли товарларни харид қилишга тайёр бўлмаган шароитларда қўлланилади. Бу сиёсатни ижтимоий маъқеини қиёфа-размини бермайдиган янги товарларга нисбатан қўллаш лозим. "Кириб олиш" сиёсати фирмалар паст нархларни қўллаб бозорда рақобатчилари устидан ғалаба қозонадилар, аммо арзон нархлар стратегиясида зарар кўрмаслик нуқтасига етиш учун кўп миқдорда товар сотилиши керак. Товарларни жорий этиш жараёнида эса арзон нархлар зиён кўришга олиб келиши аниқ. Бунинг учун товар сотиш базорларини кенгайтириш, янги сегментларни аниқлаш лозим. Демак, "қаймоғини олиш" қиммат нархлар, "кириб олиш" эса арзон нархлар сиёсатидир. Улар нарх белгилашнинг фавқулодда намоён бўлишидир. Бироқ, ҳар иккала стратегия ҳам маълум зарурий шароит - маълум вақт ва маълум муддатда, яъни керакли жойда ва жойида қўлланилса, яхши самара бериши маълум, акс ҳолда улар катта тўғрилаб бўлмас зарар ва қийинчиликларга олиб келади. Маълум фирма ва компаниялар фақат "қаймоғини олиш" ёки фақат "кириб олиш" сиёсатини, айримлари уларни биргаликда комбинациялаштирилиб қўллайдилар.

Нархларни белгилашда "рақобатда ғолиб келиш" стратегияси ҳам қўлланилади. Бу стратегия бозорга "кириб олиш" стратегиясининг бошқа

бир кўриниши бўлиб, унинг мақсади яна чуқурроқ масалага - потенциал келажак рақобатчининг бозорга кириб келишини олдини олишга қаратилган. Унинг вазифаси бозорда рақобатчи корхона пайдо бўлгунга қадар кўпроқ товарни сотишга эришиш, харидорларнинг қалбига ўрнашиб олиб, янги рақобатчи корхонага йўл бермаслик тадбирларини ишлаб чиқишдан иборатдир. Бу сиёсат баҳоларни иложи борича таннархга яқинроқ даражада белгилашни тақозо этади. Бунинг маъноси, олинмаган фойда миқдори кам бўлади ва демак фирмалар бозорда ҳаракат қилмоғи ва кўпроқ фойда олиш учун катта ҳажмдаги товарни сотишга эришмоқлари лозим. Шунинг учун ҳам бу сиёсат фирмалардан бозорнинг кичик сегментида ҳаракат қилишни, тезкорлик билан уни ўзлаштириш, тезкорлик билан самарали натижага эришгач уни тарк этишни тақозо этади. Фирмаларнинг аксарият қисми баҳо белгилашда, аввало бозордаги баҳолар даражасини, рақобат даражасини эътиборга олган ҳолда амалга оширадилар. Бу ҳол одатда товарлар рақобатчилар маҳсулотидан ҳам фарқ қилганда, харидорнинг бозор нархидан хабардорлигида ва сотувчи бозор нархи устидан назорат қилиш учун ҳеч нарса қила олмаган ҳолда содир бўлади. Рақобат даражасидан юқори баҳолар алоҳида ҳолларда белгиланади. Масалан, фирма ўз хусусиятлари, сифати билан бошқа товарлардан фарқли товарлар ишлаб чиқараётган бўлса, ўз товарларини рақобатдош, бозор нархларидан юқори нархларда сотиши мумкин. Бундай баҳолар яна қуйидаги ҳолларда белгиланади:

- * агар товар ягона, ноёб характерда ва патентлар билан муҳофаза қилинган бўлса; товарни яратиш ва ишлаб чиқариш ниҳоятда мураккаб ва катта меҳнат, куч талаб этса; товарнинг баҳоси харидор учун аҳамиятсиз бўлса;

- * бозорнинг сиғими янги рақобатчиларга тўғри келмаса;

- * товарнинг фойдаланиш учун харидорларни ўрганишга катта маблағ ва куч талаб этса; ва ниҳоят фирманинг молиявий аҳволини яхши билмаган ҳолда ҳам юқори баҳо белгилаб кўриш

мумкин. Агар юқорида кўрсатилган ҳолларга тескари бўлган ҳолатлар бўлган тақдирда товарларга рақобат даражасидан паст баҳолар белгиланади. Фирмаларнинг бундай баҳолар сиёсатидан фойдаланиши уларга харидорларни оғдириб олиш имконини беради.

Амалиётда аниқ шароитдан келиб чиққан ҳолда баҳо ўрнатишнинг қуйидаги усулларидан фойдаланилади: тўлиқ харажатлар; ўртача харажатлар, чекланган харажатлар ишлаб чиқаришнинг нормал (стандарт) харажатларига асосан, тўғридан-тўғри харажатларни ҳисобга олувчи мақсадли баҳо ёки мақсадли фойда нормаси. Буларнинг ҳар биттасига алоҳида тўхталиб ўтамыз.

Тўлиқ харажатлар усули - ҳисобланган баҳоларга асосланган. У товар ишлаб чиқариш ва реализация қилишдаги барча харажатлар асосида аниқланади. Бу ҳисоблаш усулини шартли равишда қуйидагича таъсарруф қилиш мумкин. Барча тўғридан-тўғри харажатлар асос учун олинади. Унга (накладной) харажатлар ва фойда қўшилади. Фойда тармоқ ўртача фойда нормасидан ҳисобланади. Бу ўртача фойда нормаси ссуда фоизига, ўртача капитал айланиши тезлигича ва тармоқдаги рақобат даражасига боғлиқ бўлади.

Ўртача харажатларга асосланган баҳо - асосан юқоридаги усулдек ҳисобланади. Бир бирлик маҳсулот учун ўртача харажатлар (доимий ва ўзгарувчан) аниқланади. Агар конъюнктура кам даражада ўзгарса, яъни ишлаб чиқариш камроқ камайса ёки ошса, баҳо тўлиқ харажатлар даражасидан эмас, балки иқтисодий циклнинг ўртача харажатларига таяниб аниқланади. Бу усулдан фирма маълум муддат ичида баҳоларни олдинги даража ишлаб туриш мақсадида кўпроқ фойдаланади.

Чекланган харажатлар усули ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш имконини беради. Бу усулдан фирма

ишлаб чиқариш миқдорини ошириш, бозорда катта улушга эришиш ва сотишни кенгайтиришга эришиш мақсадида фойдаланади. Чекланган харажатлар - ишлаб чиқаришнинг бир бирлик маҳсулотга ошиши натижасида умумий харажатларнинг ўзгаришини билдиради. Чекланган харажатлар юқори ёки паст бўлиши мумкин. Бу талабнинг характери ва ошиши кўламига; унинг ўзгариш даврига, мавжуд бўлган қувватлар билан талабни қондириш имкониятига ва бошқа омилларга боғлиқдир.

Агар ўсиб бораётган талабни қондириш учун мавжуд қувватлар оширилмаса, чекланган харажатлар ўртачадан кам бўлади. Чунки чекланган харажатлар доимий харажатларга асосланса, ўртача харажатлар доимий харажатларга асосланади. Агар бордию талабнинг ошиши доимий бўлса, уни қондириш учун ишлаб чиқариш харажатларининг барча унсурларини (ўзгарувчан ва доимий харажатларни) ўзгартиришга тўғри келади ва чекланган харажатлар ўртача юқори бўлади.

Баҳони ҳисоблашнинг бу усули қазиб олиш ва қайта ишлаш тармоқларида кенг қўлланилади. Бунга сабаб, шу тармоқларда ишлаб чиқаришнинг кенгайиши натижасида ишлаб чиқариш харажатлари ҳам кескин ошади. Баҳоларнинг нормал (стандарт) ишлаб чиқариш харажатлари асосида ҳисоблаш усули - махсус баҳоларни ҳисоблаш усули саналади. Бу усулда - баҳолар ҳақиқий харажатлардан эмас, балки мавжуд ишлаб чиқариш шароитида, мавжуд моддий ва қиймат нормативлари асосида ҳисобланади. Бу ерда харажатлар ишлаб чиқариш бошлангунча ҳисоблаб чиқилади. Маҳсулот таннархи калькуляцияси хом-ашё ва материалларга ўрнатилган нормативларидан, ишчи кучига ҳақ тўлаш харажатлари нормасидан ва (накладной) харажатлардан олинади. Бошқача қилиб айтганда, баҳоларни ҳисоблаш ишлаб чиқариш қувватларини юклаш нормал миқдорига нисбатан амалга оширилади. Умуман ишлаб чиқариш қувватларининг 80 фоиз юкланганлиги нормал ёки стандарт ҳисобланади.

Мақсадли баҳо ёки мақсадли фойда нормаси усули тўғридан-тўғри харажатларни ҳисобга олади. Бу усулда ҳам асос қилиб қувватларни

маълум бир юкланганлик даражасига тўғри келувчи ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобланади. Бироқ фойдани ҳисоблашга ёндашиш бошқача, яъни фирма ўз маҳсулотига олдиндан шундай баҳо ўрнатадики, унда фойданинг аниқ бир миқдори ўрнатилган бўлади.

Юқорида кўриб чиқилган усуллардан қайси бирини танлаш керак? Кўп ҳолларда ишлаб чиқариш миқдорига, бозордаги вазиятга ва бозорни камраб олиш даражасига, баҳонинг ўз характериға (вақтинчаликми ёки нисбатан доимийми?) товар туриға ва уни бошқа товарни ўрнини боса олишиға таянади. Шунини ёддан чиқармаслик керакки, товарнинг ҳисоблаб чиқилган баҳоси ҳали унинг ҳақиқий бозор баҳоси дегани эмас. Бозор баҳоларини бозор тартибга солади. Ҳисоблаб чиқилган ва ҳақиқий бозор баҳоларининг нисбати турличадир. Умумий қонуният шундаки: фирма бозорда қанчалик мустаҳкам мавқега эға бўлса ва фирмада қанчалик маркетинг стратегияси тажрибаси кўп бўлса, фирманинг ҳисоблаб чиқилган баҳолари бозор баҳосига шунчалик яқин бўлади.

Янги ассортиментни лойиҳалаш, тажриба ва серияли нусхаларни яратиш, реклама товар ҳаракатини тезлаштирувчи бошқа усуллари йирик серияли ва оммавий ишлаб чиқаришдагидан кўра кўпроқ харажат талаб қилади. Шунинг учун бундай товарлар ҳаётийлик даврининг ривожланиш ва етуклик даврида баҳолар аста-секин пасаяди.

Товарнинг эскириш даврида баҳолар барқарорлашади ва товарнинг бозордан чиқиш даврида баҳо минимал бўлади. Шунга қараб баҳода акс этган фойда ҳам ўзгариб боради яъни: зарардан то минималгача (товарнинг бозорға киритилиш босқичида), ўртача пастдан то ўртагача (ривожланиш босқичида); максимал (етуклик босқичида), ўртачадан то ўртачадан пастгача (товарнинг эскириш даврида); минимал (товар ҳаётийлик даврининг сўниш (ўлиш) босқичида).


Маркетинг стратегиясининг асосини товарнинг сифати ва рақобатбардошлиғи ҳисобланади. Бундан ташқари баҳо сиёсатида сервисни ҳисобға олиш шарт. Маълумки, яхши хизмат кўрсатишдек кўп

харажат қиладиган нарса йўқ. Юқори сифатли товарлар ишлаб чиқариш, харидорлар ва истеъмолчиларга (ускунани ўрнатиш) таъмирлаш ва сотишдан кейинги (турли хизматлар кўрсатиш) юқори даражадаги хизматлар кўрсатиш қўшимча харажатлар қилиш билан боғлиқдир. Бу ўз навбатида товарга хизматларнинг баҳоси ошишига сабаб бўлади. Шу билан бир вақтда анъанавий ва маркетингли ёндашиш ишлаб чиқариш, сотиш ва хизмат кўрсатишни ташкил қилишнинг турли моделларига асосланган. Анъанавий ёндашувда харидор товарни эксплуатация қилиш жараёнида уни харид қилиш ва хизмат кўрсатиш учун кўп вақт ва маблағ сарфлайди. Чунки унинг фойдаси алоҳида олинган самаралардан ташкил бўлади. Ҳар бир босқич учун алоҳида пул тўлашга тўғри келади. Маркетингли ёндашишда харидорнинг пул маблағи ва вақти тежа-лади. Бунга сабаб, товарлар ва хизматларга анча юқори баҳолар бўлса ҳам умумий истеъмол самараси билан таклиф қилинади. Натижада умумий харажатлар кам, фойда эса юқори бўлади. Масалан, АҚШ фермери учун маркетингни ўз фаолиятининг асоси қилиб олган фирмага ўз участкаси тупроғи намунасидан юборса бўлгани, у турли ўғитлардан қайсисини, қачон ва қай миқдорда фойдаланиш лозимлиги кўрсатилган тавсияни олади. Агар фермер шу хизматдан фойдаланмаганда эди, кўп харажат қилишга тўғри келар эди. Бундан ташқари, унинг меҳнати натижасини ҳеч ким кафолатмаган бўларди. Чет эл тажрибаси шуни кўрсатадики, худди шундай шароитда ҳосилдорлик ва маҳсулот сифати анча ошади, сақлашдаги йўқотишлар камаяди. Фермер ўз маҳсулотининг рақобатбардошлигидан ҳам ютади.

Бозорга мўлжалланган маркетингли ва ишлаб чиқаришга мўлжалланган фирмаларнинг молиявий сиёсатида жиддий фарқ мавжуд. Биринчиси, бозорда ўз ўрнини эгаллаш ва мустаҳкамлаш учун қандай қилиб баҳо сиёсатидан яхшироқ фойдаланиш, харидор қандай баҳони қабул қилиши мумкинлигини аниқлаш, рақобатчилардан қандай қарши ҳаракатни кутиш кераклигича диққатини жалб қилади. Иккинчиси эса юқори сифатли ва

паст таннарх билан товар ишлаб чиқаришга ҳаракат қилиб, асосий диққатни таннархга қаратади.

Баҳоларни ҳисоблаш методикасини қуйидаги тартибда таъсирруф қилиш мумкин



3.1-расм. Товар сифатига баҳонинг боғлиқлигини ҳисобга олинган баҳо ўрнатиш стратегияси.

Қуйидаги 4-жадвалда товар сифатига баҳонинг боғлиқлиги ҳисобга олинган баҳо ўрнатиш стратегиялари акс эттирилган.

Товар сифатига баҳонинг боғлиқлиги ҳисобга олинган баҳо ўрнатиш стратегиялари.

БАҲО				
Товар сифати		Юқори	Ўрта	Паст
	Юқори	1. Мукофотли чегирмалар стратегияси.	2. Бозорга чу-қур кириб бориш стра-тегияси.	3. Юқори қий-матли аҳами-ятлилик стра-тегияси.
	Ўрта	4. Юқори баҳолар стратегияси	5. Ўрта дара-жали стра-тегия.	6. Ўта сифат-лилик стра-тегияси.
	Паст	7. Ўғирлаш стратегияси.	8. “Усти ялтироқлик” стратегияси.	9. Паст қийматли аҳамиятлилик стра-тегияси.

Натижада товарнинг харидорлилик самараси унутилади. Маркетингли шароитда ўзгарувчан баҳолардан фойдаланилади. Бу баҳолар талаб ва таклифнинг ўзгаришига жуда сезгир. Шунинг учун улар бозордаги вазиятга қараб доим ўзгариб туради ва ўз-ўзини тартибга солувчи бозор муносабатларининг асоси бўлиб ҳисобланади.

Нарх-навони ташкил қилиш, ҳақиқий бозорнинг баҳо сиёсатини катта харажатларини талаб қилади. Лекин фирмалар ўзгарувчан баҳолар, самарали маркетинг фаолиятининг муҳим омилларидан бири эканлигини тушуниб етиб бу харажатлардан қочмайдилар. Шу сабабли маркетинг хизмати таркибида баҳолар ҳисоблаш усулини танловчи, нарх-навони ташкил қилиш билан шуғулланувчи алоҳида бўлинма мавжуд.

4. Назарий дарс ўтиш методикаси.

4.1. Назарий таълим беришнинг асослари.

Назарий дарсни асосий мақсади – ўқувчиларга ўрганиладиган фанни асосий назарий қисмини тушунтиришдан иборат. Буюк дидактиканинг илмийлик тамойилига асосланилади. Назарий дарс ўтишга асосан фанлараро боғлиқликка катта эътибор бериш керак.

Назарий дарс асосан маъруза кўринишида бўлади.

Маъруза (арабча, лекция (лотинча - “lectio”) - ўқиш) – ўқув материаллари, бирор масала, мавзу кабиларнинг изчил, маълум бир тизимига солинган баёнидир.

Маърузада мавзунинг асосий саволлари кетма-кетлик асосида юритилади.

Маъруза илмий характергаэга бўлиши, турли назарий йўналишлар, илмий мактабларнинг асосий ғояларини талабалар онгига етказиши ва олган билимини ишончга айлантириши керак.

Маъруза талабалар билан мулоқотда бўлишнинг алоҳида шакли бўлиб, уни бошқа ҳеч қандай ўқув шакли билан алмаштириб бўлмайди. Маърузанинг олдида қўйиладиган мақсад ҳар хил бўлиб, бу мақсад максимал даражада амалга ошиши учун унинг функцияларига аҳамият бериш керак.

Маърузанинг функциялари:

1. Профессионал таълим бериш ва дунёқарашни шакллантириш.
 2. Талабаларга тарбиявий таъсир кўрсатиш. Уларни ахлоқий, маънавий жиҳатдан баркамол бўлиши, меҳнатга муносабати, социал-психологик хислатларини шакллантириш.
 3. Билим бериш, ўрганаётган фани бўйича ахборот олиш, олган ахбороти асосида тадқиқот ўтказиб, хулоса чиқаришга ўргатиш.
- Маърузага қўйиладиган талаблар. Иқтисодий фанларни ўрганиш талабаларнинг ижодий фикрларини ривожлантиришга таъсир кўрсатади.

Уларни жамият ривожланишининг иқтисодий қонун, тенденцияларини чуқур тушуниши, назарий масалалар билан амалиётни боғлаш маъоратини хосил қилишлари учун маъруза қуйидаги асосий талабларга жавоб бериши керак.

Маъруза маълум бир йўналишга: иқтисодиётнинг асосий қонун, тенденциялари, принциплари, ижтимоий тараққиётнинг муаммоларини таҳлил қилишга қаратилган бўлиши керак.

Ёш авлоднинг дунёқарашини шакллантириш, ҳаёт кечириш тарзини танлашнинг тарбиявий аҳамиятини ошириши лозим.

Илмийлиги жиҳатидан назариянинг асосларини амалиёт билан масаланинг қўйилишининг илмийлиги билан ҳамда иқтисодий назариянинг янги долзарб масалаларига ижодий ёндошиш билан назарий далиллар мантиқийлиги билан узвий бирлиги таъминланиши керак.

4.1.1– жадвал Йиллик тақвимий мавзулар режасидан намуна.

4.2.1 – jadval

T/P	Мавзу	Ажра тилга н соат	Муд дат	Дарс тури	Таълим методлари	Таълим воситалари	Фойдалани ладиган адабиётлар	Уйга топшири қ
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1		2		маъруза	Оғзаки, интерфаол методлар	Мавзуга тааллуқли слайдлар, транспорант, кодоскоп, компьютер ва проектор	1,2,3,5,7 адабиётлар	Мавзун и ўқиб келиш
2		2		амалий				
2	Корхонада нарх стратегияси ва уни ишлаб чиқиш йўллари	2		маъруза	Оғзаки, инсерт, ақлий ҳужум	Мавзуга тааллуқли рангли плакатлар, тарққатмали материаллар, слайдлар, кодоскоп, компьютер ва проектор	2,4,6,8,9 адабиётлар	Топшири қни бажариб келиш
3	Корхонада нарх стратегияси ва уни ишлаб чиқиш масалалари	2		амалий	Оғзаки, интерфаол методлар	Инструкцион технологик харита, анимацион дастурлар, ўқув ва услубий кўрсатмалар, тарқатма ва ишчи дастурлар	1,2,4,5,7 адабиётлар	Мавзун и ўқиб келиш

**4.2. «Корхонада нарх стратегияси ва уни ишлаб чиқиш» мавзусида
назарий таълим бериш технологияси модели**

Талабалар сони – 25 - 30 та	Дарс вақти – 80 минут
Машғулот шакли	Маъруза
Ўқув машғулотининг режаси	1.Баҳонинг иқтисодий мазмуни, аҳамияти, функциялари 2. Қишлоқ хўжалигида ер нархи ва муво занати 3. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва сотиш баҳоларининг самарадорликка таъсири. 4.Қишлоқ хўжалигида баҳони аниқлаш ва белгилаш йўналишлари.
Ўқув машғулотининг мақсади	Мавзу бўйича талабалар билимини чуқур ўзлаштиришни таъминлаш.
Педагогик вазифалар	Ўқув фаолияти натижалари
- Баҳонинг иқтисодий мазмуни, аҳамияти, функциялари ҳақида тушунчалар беради; - Қишлоқ хўжалигида ер нархи ва мувозанати тавсифлаб беради; - Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва сотиш баҳоларининг самарадорликка таъсир этувчи омилларни тавсифлаб беради; - Қишлоқ хўжалигида баҳони аниқлаш ва белгилаш йўналишлар, усулларини таҳлил қилади;	- Баҳонинг иқтисодий мазмуни, аҳамияти, функциялари ҳақида тушунчага эга бўладилар; - Қишлоқ хўжалигида ер нархи ва мувозанати тавсифлай оладилар; - Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва сотиш баҳоларининг самарадорликка таъсир этувчи омилларин санаб берадилар; - Қишлоқ хўжалигида баҳони аниқлаш ва белгилаш йўналишлар, усулларини таҳлил қила оладилар;
Ўқитиш усуллари ва техника	Топшириқлар, суҳбат, “Ақлий ҳужум”, баҳс-мунозара, блиц-сўров
Ўқитиш воситалари	Ўқув услубий мажмуа, тарқатмали материаллар, маркерлар, ватман, доска, проектор, компьютер
Ўқитиш шакллари	Жамоа ва гуруҳ билан ишлаш
Ўқитиш шарт – шароитлари	Техник воситалар билан таъминланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, савол-жавоб, тест

«Корхонада нарх стратегияси ва уни ишлаб чиқиш» мавзусидаги дарснинг технологик харитаси.

Иш босқичлари	Ўқитувчининг фаолият мазмуни	Талаба фаолиятининг мазмуни
1-босқич Кириш (15 мин)	<p>1.1. Мавзунинг номини айтиб, мавзу доирасида дастлабки умумий тасавурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари, дарс якунида қўйиладиган рейтинг баҳолаш мезонлари билан таништиради.</p> <p>1.2. Ўқув машғулотини мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини айтади. Асосий адабиётлар рўйхати билан таништиради.</p> <p>1.3. Мавзу юзасидан “Блиц-сўров” қоидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади.</p>	<p>1.1. Тинглайдилар.</p> <p>1.2. Ёзадилар, ўқув услубий мажмуага қарайдилар.</p> <p>1.3. Тушунчаларни эркин фикр орқали билдирадилар.</p>
2-босқич Асосий (55 мин)	<p>2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалари билан таништиради. Маъруза режасининг 1-5 пунктлари бўйича тушунтиради. Ҳар бир пункт ниҳоясида умумлаштириб боради. Паррандачиликни ривожлантириш омилларини келтиради. Жараён тарқатмали материаллар ва слайдлар билан олиб борилади.</p> <p>2.2. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун саволлар берилади:</p> <p>1. Баҳо деганда нимани тушунасиз?</p> <p>2. Қишлоқ хўжалигида ерни баҳолашнинг аҳамияти нималарга боғлиқ?</p> <p>3. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва сотиш баҳоларининг самарадорликка таъсири нималарда кўрилади?</p> <p>2.3. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.</p>	<p>2.1. Тинглайдилар. Слайдга эътибор қаратади, уни дафтарга ёзиб олади ва саволлар беради.</p> <p>2.2. Саволларга жавоб берадилар. Эркин баҳс-мунозара юритадилар.</p> <p>2.3. Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Ахборотларни конспект қиладилар.</p>
3-босқич Якуний (10 мин)	<p>3.1. Мавзу бўйича якуний хулосалар қилади. Мавзу бўйича олинган билимларни қаерда ишлатиш мумкинлигини маълум қилади.</p>	<p>3.1. Саволлар берадилар</p>

	<p>3.2.Мавзу мақсадига эришишдаги талабалар фаолияти таҳлил қилинади ва баҳоланади.</p> <p>3.3.Мавзу бўйича мустақил ўрганиш учун топшириқлар беради.</p> <p>3.4.Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар рўйхатини беради.</p> <p>3.5.Кейинги мавзу бўйича тарқатма материаллар беради.</p>	<p>Ёзадилар</p> <p>Ёзадилар</p>
--	---	---------------------------------

4.3. Кўргазмали қуроллар асосида назарий дарс ўтиш методикаси.

Мавзу: Корхонада нарх стратегияси ва уни ишлаб чиқиш

Дарс тури:	Назарий машғулот
Дарс ўтиш учун ажратилган вақт:	2 соат
Дарс ўтиш жойи:	махсус жиҳозланган хона
Дарс ўтиш методи:	оғзаки, кўрсатмали, муаммоли
Дарснинг методик таъминоти:	мавзулар режаси, дарсликлар, маъруза матни, тарқатма материаллар, слайдлар
Дарснинг мақсади:	Талабаларга қишлоқ хўжалиги корхоналарида баҳо, унга таъсир этувчи омиллар, нарх стратегияси ҳақида тушунча бериш
Дарснинг тарбиявий мақсади:	Корхоналарда нарх стратегияси ҳақида тушунчалар бериш давомида талабаларда касбига нисбатан қизиқиш уйғотиш, уларда касбий малака ва кўникмаларни шакллантириш
Дарснинг ривожлантирувчи мақсади:	Талабаларда танлаган соҳалари бўйича билимлари, тушунчаларини ривожлантириш, фикрлаш қобилиятини ошириш, мустақил равишда ўз олдиларига қўйилган вазифаларни ҳал қилишга ўргатиш

Дарс ўтиш тартиби

I. Ташкилий қисм

1. Талабалар билан саломлашиш.
2. Талабалар давоматини аниқлаш.
3. Аудитория ва талабаларни дарсга тайёргарилигин текшириш.

Дарсда кўзланган мақсадга эришиш учун уни аввало машғулоти ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ўқитувчи дарсга киргандан сўнг авваламбор талабалар билан саломлашади. Уларнинг дарсга бўлган кайфиятини кўздан кечиради. Жамиятда рўй берадиган янгиликлардан қичқача хабардор қилади. Аудиторияни дарс давомида керак бўладиган материаллар, техник воситалар ва зарур бўладиган жиҳозлар билан таъминланганлигини кўздан кечириб, талабаларнинг давоматини текширади ва дарсни бошлайди.

II. Ўтган мавзунини ўқувчилардан сўраш ва мустаҳкамлаш.

Олдинги дарсда ўтилган “ ” мавзусини ўқувчилардан айтиб беришини сўраш. Уй вазифалари текширилади ва баҳоланади. Аввал ўтилган мавзу муҳокама қилинади, мустаҳкамланади. Талабалар билимларини қуйидаги усуллар орқали аниқлаш мумкин:

1. Олдиндан тайёрлаб келинган махсус саволларни тарқатиб;
2. Тест саволлари орқали;
3. Оғзаки саволлар орқали ва назоратнинг бошқа турларидан фойдаланиб текшириш мумкин.

Сўнгра ўтилган мавзу янги мавзу билан боғланади. Кейин янги мавзу эълон қилинади. Маъруза режаси, мустақил ўқиш учун зарур асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхати тавсия этилади. Мавзунини ўрганишдаги асосий

термин, тушунчалар, мустақил равишда бажариладиган ишлар, топшириқлар берилади.

III. Олдинги ўтилган мавзуни янги мавзу билан боғлаш.

Ўқитувчи янги мавзу бўйича тушунчалар беришдан аввал, олдинги ўтилган мавзуни такрорлаб, уни янги мавзу билан боғлашга ҳаракат қилиши лозим. Ўтган мавзунинг янги мавзуга боғлиқ қисмларига алоҳида тўхталиб ўтиш керак. Шундагина талабаларни янги ўтиладиган мавзуни тушуниб олишлари осон бўлади.

IV. Янги мавзу бўйича тарқатмали материаллардан фойдаланиш зарурияти.

Янги ўтилиши лозим бўлган мавзу материаллари бўйича ўқитувчи тарқатмали материаллар тарқатади. Мавзу бўйича тайёрланган тарқатмали материаллар ўқувчиларга тақдим этилади. Улар мавзу матнлари, расмлар, жадваллар, диаграммалар, слайдлар шаклида бўлиши мумкин. Иложи борича тайёрланган ўқув тарқатма материали ҳар бир ўқувчига алоҳида-алоҳида берилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Тарқатмали материалларни тайёрлашда уларнинг ташқи дизайнига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Улар оддий, тушунарли ва талабаларнинг диққатини жалб қилувчи ва ўтилаётган мавзуга нисбатан қизиқишларини уйғотиши лозим. Бинобарин, ўрганилаётган материал ҳақида қизиқарли маълумотлар берилиши лозим.

V. Тарқатма материаллардан фойдаланиш методикаси.

Тарқатма материаллар – таълим олувчилар учун ўрганилаётган мазуга оид асосий маълумотларни ўз ичига олган, ҳажми унча катта бўлмаган(1-2варақ) ёзма ўқув материали ҳисобланади.

Тарқатма материалларни мақсади, мазмуни жиҳатдан:

- а) ахборот берувчи
 - б) торшириқ берувчи
 - д) билимини назорат қилувчи
- гуруҳларга ажратиш мумкин.

Тарқатмали материалларни тайёрлашда ва қўллашда қуйидаги қоидаларга амал қилиш лозим:

* таълим олувчиларга ҳаддан ташқари кўр тарқатмали материаллар берманг

* сарлавҳаларни бош ҳарфлар билан ёзинг, бир материал учун 2-3та тарқатма материал тайёрласангиз, уларга ном-код беринг. Бу уларни ажратишни осонлаштиради.

* матн шрифти 12 дан кичик бўлмаслиги керак

* бир бетда 80 тадан кўр белги(ҳарф, қавс, ундов белгиси ва ҳоказо) ишлатманг

* матнлар тушунарли, қисқа ва оддий бўлиши керак.

Тарқатма матеиалларда:

* ўтиладиган мавзунинг асосий мазмунини бериш;

* олинган ахборотни дарс давомида ва дарсдан ташқари вақтда талабалар билан мустақил муҳокама қилиш;

* таълим олувчилар диққатини мустақил фикрлаш, ижодий изланишга қаратиш;

* ўқувчи-талабаларни дарсга фаол жалб қилиш;

* ўқувчи-талабаларнинг олган билимини синаш ва назорат қилиш.

Буларнинг ҳаммаси дарс жараёнида тарқатма материаллардан кенг фойдаланишнинг заруриятни келтириб чиқаради.

V. Янги мавзуни баён этиш.

Янги мавзуни баён этишдан олдин у доскага ёзиб қўйилади. Мавзуни ўтиш режалари ҳам иложи бўлса, дарснинг охиригача сақланиши лозим. Агар

проектор ва экран бор бўлса, мавзу тақдимот кўринишида экранга чиқазилади. Янги мавзунини баён этишда дарсда “Инсерт” методидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

“Инсерт” методи асосан ўқув материални (матнни) мустақил ўқиб, ўзлаштиришда қўлланилади. Унинг мазмуни ўқиш жараёнида матннинг ҳар бир сатр боши (ёки қисми)ни аввал ўзлаштирилган билим ва тажрибалар билан таққослаш ва унинг натижасини варақнинг чап томонига махсус белгилар қўйиш билан акс эттиришдан иборатдир.

“V” - белги, агар ўқиётганингиз, сиз у ҳақида билганингиз ёки билишингиз тўғрисидаги фикрингизга мос, яъни ўқиётганингиз сизга таниш бўлса қўйилади;

“---” белги, агар ўқиётганингиз сиз билганга ёки билишингиз тўғрисидаги фикрингизга зид бўлса қўйилади;

“X” – белги, агар ўқиётганингиз сиз учун янги ахборот бўлса қўйилади;

“?” – белги, агар ўқиётганингиз сизга тушунрали бўлмаса ёки сиз бу ҳақида батафсилроқ маълумот билишни хоҳласангиз қўйилади.

Шундай қилиб, матнни ўқиш жараёнида унинг чап томонига ўзингизни тушунишингиз ва билишингизга мос келадиган тшрт хил белги қўйиб чиқасиз. Бунда ҳар бир қатор ёки таклиф этилаётган ғояга белги қўйилиши шарт эмас. Бу белгилар сиз ўқиётган ахборот тўғрисидаги ўзингизнинг яхлит тасаввурингизни акс эттиришингиз керак. Шунинг учун ҳам ҳар бир сатр бошига бир ёки иккита, баъзида эса бундан кўп ёки оз белгилар қўйилиши мумкин. Демак, “Инсерт” методи бўйича белгилар қўйиш, матннинг ҳар бир сатр бошисини англашни талаб қилади.

Демак, ўқувчилар ахборотни онгли равишда ўзлаштиришлари учун, улар матнни тушунишларини ўзлари кузатиб боришлари керак.

VI. Янги мавзунини мустаҳкамлаш.

Талабалардан ўтилган мавзу бўйича тушунмаган саволлар бўлса сўралади ва саволларга жавоб берилади. Жавоблар асосида тўлиқ тушунчалар берилиши керак. Дарсни янада мустаҳкамлаш учун ўқувчиларга янги мавзуга оид саволлар берилади. Бунда блиц-сўров методи қўлланилади. Талабалар тезкор саволларга тез ва аниқ жавоб беришга ҳаракат қиладилар.

Дарсни қизғин, мунозарали ўтиши учун мавзу бўйича саволлар бериб талабаларни ўйлантиришга ҳаракат қилинади. Масалан:

1. Баҳо деб нимага айтилади?
2. Баҳонинг функцияларини санаб беринг.
3. Қишлоқ хўжалигида ер нархи ва мувозанатини тушунтириб беринг.
4. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш ва сотиш баҳоларининг самарадорликка таъсирини кўрсатиб беринг.
5. Қишлоқ хўжалигида баҳони аниқлаш ва белгилашнинг қандай йўналишлари мавжуд?

Муҳокамадан кейин талабаларнинг кўпчилиги бир хил хатоликка йўл қўйса, шу қисми бўйича ўқитувчи қўшимча тушунчалар бериши керак бўлади.

VII. Уйга вазифа бериш.

1. Ўтилган янги мавзунини ўқиб ўрганиш.
2. Қишлоқ хўжалигида ер нархи ва мувозанати ҳақида мустаҳкам тушунчага эга бўлиш.
3. Қишлоқ хўжалик корхоналарида нарх стратегияси мавзусида мустақил иш ёзиб келиш.
4. Интернет янгиликларидан фойдаланиш.

Уй вазифаларини танлаганда, уларни ўқувчиларга топшириқ қилиб беришда, бу вазифалар ўқувчиларнинг қизиқишларига мос келиши, уларни бажаришга қийинчиликларга учрамасликларини инобатга олиш керак. Талабаларнинг мустақил ишлашлари учун уларга адабиётлар рўйхатини бериш керак.

5. Амалий машғулотлар ўтиш методикаси.

5.1. Амалий машғулотларни ўтишдан мақсад.

Амалий машғулот - талабаларни билим олишлари, уни пухта ўзлаштиришлари ва олган билимларини келгусида реал ҳаётда қўллашни ўрганишларида алоҳида ўрин тутди. Шунинг учун ҳам амалий машғулот дарсини қизиқарли, талабаларни фаол қатнашишларини таъминлайдиган услубларни қўллаб дарс ўтиш муҳим аҳамиятга эга.

Маърузада одатда кўпроқ баён қилиш етакчи рол ўйнайди. Талабалар дарсда пассив рол ўйнашади. Дарсда турли услубларни қўллаб уларнинг фаоллигини таъминлаш имконияти кенг. Маъруза дарси асосан монолог тарзида баён қилинса, амалий машғулот дарси турли-туман диалог асосида олиб борилади. Одатда амалий машғулот дарсида талабаларнинг билими, ўз устида ишлаш даражаси аниқланади, назорат қилинади.

Касб-хунар коллежларида амалий машғулот шаклларида асосан семинар туридан фойдаланилади. Семинар (лотинча – *seminarium* – манба, кўчма маънода - мактаб) – ўқув амалий машғулот шаклларида бири.

Семинарнинг асосан уч тури мавжуд:

1. Ўрганилаётган фан ёки курсни чуқур ўрганишга ёрдам берадиган семинар дарслари;

2. Айрим муаммо, асосий ёки муҳим мавзунини ўрганиш учун ўтказиладиган семинарлар;

3. Тадқиқот характеридаги семинарлар.

Семинар дарси бир қатор функцияларни бажаради:

- Талабаларга профессионал таълим бериш ва тарбиялаш;
- Мустақил ишлаш малакасини ўстириш;
- Талабаларни мантикий фикрлашга ўргатиш;
- Нутқ сўзлаш, илмий мунозаралар олиб боришга ўргатиш;
- Мустақил фикр юритиш ва ўз фикрини ўртоқлашишга ўргатиш;

- Ўртоқлари фикрини танқидий нуқтаи назардан баҳолашга ўргатиш;
- Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш.

5.2. Амалий машғулотлар ўтишда қўйиладиган асосий методик талаблар.

1. Амалий бажариладиган машқлар биринчи навбатда бажарилган машқ давоми ва кейинги машқни бажаришга ёрдам берадиган тартиб билан жойлаштирилиши лозим. Ўқувчиларни машқларни бажариш тартиби ва ўқувчиларнинг ўзларидан олиш мақбул бўлган ҳисоботнинг характери ҳақида аниқ йўлланмалар бериш.

2. Машқлар бажарилишида энг зарур бўлган плакат бирликлар ҳамда амалга ошириладиган мақсад аниқ кўрсатилган бўлиши лозим.

3. Машқлар қизиқарли бўлишини таъминлаш лозим, акс ҳолда ўқувчиларни эътиборсизликка олиб келади, ортиқча меҳнат сарф бўлади.

4. Ҳар қандай машғулот кўзланган мақсад топшириғи мазмунига мос бўлиши лозим.

5. Дарс давомида машқни ҳар бир ўқувчи алоҳида ҳамда мустақил бажаришини таъминлаш.

6. Амалий машғулотларни бажаришда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш имконини беради.

7. Замонавий фан ва техника ютуқлари ҳамда ахборот технологияларидан фойдалана билиш имкониятини яратиш.

5.3.1 – жадвал

**“Корхонада нарх стратегияси ва уни ишлаб чиқиш” мавзусини
“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи асосида ўтиладиган амалий
машғулоти олиб бориш технологияси модели.**

Талабалар сони – 30 - 50 та	Дарс вақти – 80 минут
Машғулоти шакли	Маъруза
Машғулоти	1.Баҳонинг иқтисодий мазмуни, аҳамияти, функциялари 2. Қишлоқ хўжалигида ер нархи ва муво занати 3. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва сотиш баҳоларининг самарадорликка таъсири. 4.Қишлоқ хўжалигида баҳони аниқлаш ва белгилаш йўналишлари.
Ўқув машғулотининг мақсади	Мавзу бўйича талабалар билимини чуқур ўзлаштиришни таъминлаш.
Педагогик вазифалар	Ўқув фаолияти натижалари
- мавзуни мустақил ўрганиш учун асос яратади - мавзу бўйича билимларни чуқур ўзлаштириш ва мустаҳкамлашга ёрдам беради - кичик гуруҳларда ишлашни ташкил қилади - ўз нуқтаи назарига эга бўлишни шакллантиради -манتيкий хулоса чиқаришга ёрдам беради	- Баҳонинг иқтисодий мазмуни, аҳамияти, функциялари ҳақида тушунчага эга бўладилар; - Қишлоқ хўжалигида ер нархи ва мувозанати тавсифлай оладилар; - Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва сотиш баҳоларининг самарадорликка таъсир этувчи омилларин санаб берадилар; - Қишлоқ хўжалигида баҳони аниқлаш ва белгилаш йўналишлар, усулларини таҳлил қила оладилар;
Ўқитиш усуллари ва техника	Топшириқлар, амалий ишлаш усули,сухбат,баҳс-унозара,Кичик гуруҳларда ишлаш
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, маркерлар, қоғозлар, доска, бўр
Ўқитиш шакллари	Жамоа ва гуруҳ билан ишлаш
Ўқитиш шарт – шароитлари	Техник воситалар билан таъминланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш

5.3.2 – жадвал

**“Корхонада нарх стратегияси ва уни ишлаб чиқиш” мавзусини
“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи асосида ўтиладиган амалий
машғулотни олиб бориш технологик харитаси қуйидагича бўлади.**

№	Босқичлар	Ва қт (д ақ)	Таълим берувчи фаолияти	Таълим олувчи фаолияти	Воситалар
1	Мотивация	3	Мавзу бўйича тушунчалар беради. Мақсад ва вазифаларини таништиради	Тинглайди	Тарқатма материал лар
2	Кичик гуруҳларга ажратиш	2	Рангли карточ-калар ёрдамида 3 ёки 4 кичик гуруҳ ташкил этилади. Бажарилиши бўйи-ча топшириқ бери-лади.	Гуруҳлар ташкил этади.	
3	Кичик гуруҳларнинг ишлаши	25	Кўрсатмалар бера-ди. Йўналтиради. Эшитади. Керакли жойларини қоғозга тушириб боради.	Гуруҳ катнаш- чилари топши-риқ бўйича ўз фикр- мулоҳазаларини навбат билан баён қилишади. Баён қилишда гуруҳ аъзолари диққат билан эшитади. Мулоҳазалар билдирмайди.	Флипчарт қоғозлар
4	Кичик гуруҳлар тақдимоти	35	Гуруҳни бошқариб боради	Бажарган ишла- рини тақдимот қиладилар	Доска
5	Кичик гуруҳлар ишини баҳолаш	10	Кичик гуруҳлар ишини таҳлил қилади. Камчилик-ларини кўрсатиб, тингловчилар билан биргаликда тузатади.	Гуруҳ аъзолари- нинг берган жа- вобларини таҳлил қилади. Фикр му- лоҳазаларини баён этади.	
6	Якуний қисм	5	Саволларга жавб беради. Уйга бажари келишга вазифа беради. Яқун ясайди.	Саволлар беради. Уйга вазифаларни ёзиб олади.	

5.3. Мавзу: “Корхонада нарх стратегияси ва уни ишлаб чиқиш” мавзусининг дарс ишланмаси

Дарс тури:	амалий машғулот
Дарс учун ажратилган вақт:	80 дақиқа
Дарс ўтиш жойи:	махсус жиҳозланган аудитория
Дарснинг мақсади:	Талабаларда мавзу юзасидан тушунчалар бериш ва кўникмалар ҳосил қилдириш
Дарснинг методик таъминоти:	Дасликлар, услубий қўлланмалар, флипчарт қоғоз, доска, слайд, кодоскоп

Амалий машғулотни ўтказиш тартиби

1. Назарий машғулотни мустаҳкамлаш мақсадида амалий машғулот “Кичик гуруҳларда ишлаш” методидан фойдаланиб ташкил этилади. Амалий машғулотнинг мавзуси бўйича тушунчалар берилади, мақсад ва вазифалар билан таништирилади. Тушунтириш давомида ўқитиш воситаларидан фойдаланилади.

2. “Кичик гуруҳларда ишлаш” методидан фойдаланиб амалий машғулот ўтказилиши мўлжалланганлиги сабабли гуруҳ талабалари сонига қараб 2 ёки 3 кичик гуруҳга ажратилади. Гуруҳлар ташкил этишда рангли карточкалардан фойдаланилади.

3. Ташкил этилган гуруҳлар ишлаши. Ҳар бир гуруҳ аъзоси берилган топшириқ бўйича ўз фикр мулоҳазаларини баён қилишади. Гуруҳларнинг бошқа аъзолари диққат билан эшитишади. Ўқитувчи кўрсатмалар беради, йўналтиради, эътибор билан эшитиб, баъзи бир жойларини қоғозларининг юзасига тушириб боради.

4. Кичик гуруҳлар тақдироти. Ўқитувчи гуруҳни бошқариб боради. Талабалар эса бажарган ишларини тақдирот қиладилар. Бунда улар доскадан, флипчарт қоғозлардан, слайд ва кодоскоплардан фойдаланилади.

5. Кичик гуруҳлар ишини баҳолаш. Ўқитувчи талабаларнинг саволларга берган жавобларини таҳлил қилади. Камчиликларини кўрсатиб ўтади.

Тингловчилар билан биргаликда тузатади. Талабалар эса ҳар бир талабанинг жавобини таҳлил қилади. Ўз фикр ва мулоҳазаларини баён этади.

6. Якуний қисм. Ўқитувчи талабаларнинг саволларига жавоб беради. Аниқ бир фикр айтилмаган жавобларга қўшимча тушунчалар бериб ўтилади.уйга бажариб келиш учун топшириқлар беради. Таълим олувчилар тушунмаган жойлари бўйича саволлар беради. Машғулот якунланади.

Хулоса.

Баҳо қишлоқ хўжалик иқтисодиётининг энг муҳим категорияси, яъни механизми ҳисобланади. Унинг мутлақ (абсолют) миқдори иқтисодий жиҳатдан асосланган бўлиши керак. Баҳолар зарур бўлган барча харажатларни қоплаб, корхонага ўзининг ривожланишини таъминлайдиган миқдорда фойда келтириши лозим.

Иқтисодий жиҳатдан асосланган баҳолар ўз олдиларига қўйилган бир қанча функциялар, вазифалар бажарилишини таъминлаши зарур.

Ҳозирги даврда қишлоқ хўжалигида баҳолар тизими шаклланган. Лекин уларнинг мутлақ (абсолют) миқдори ва ўсиши бир-биридан катта фарқ қилади.

Баҳолар доимо ҳам қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва унинг самарадорлиги ошишини таъминлайвермайди. Келажакда қишлоқ хўжалигидаги баҳоларнинг турларини ва мутлақ (абсолют) миқдорини бозор иқтисодиёти талаблари асосида такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Фан-техника тараққиёти шароитида талаб ва таклиф ўзгаришини эътиборга олган ҳолда баҳоларнинг мутлақ (абсолют) миқдорини ўзгартириш, такомиллаштириш, яъни либераллаштириш лозим. Бу ниҳоятда мураккаб масала. Унинг ижобий ҳал этилиши жуда кўп томонларга, ҳолатларга боғлиқ. Республика миқёсида бу масалани ҳал этишда ўтиш даврининг ҳозирги босқичида давлатнинг роли анча улкан. Шунинг учун бу жараёнда агросаноат мажмуасини ривожлантиришда қўлланилаётган нарх ва молия-кредит сиёсати қуйидаги вазифаларни ечишга йўналтирилган бўлиши керак:

- давлатнинг истеъмол моллари билан ўзини-ўзи таъминлашини тезлаштириш;
- қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари ўртасидаги эквивалентлик муносабатларини таъминлашга эришиш;

- қишлоқ товар ишлаб чиқарувчиларининг даромадларини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлайдиган даражада рағбатлантириш;
- фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий қилишда кўмак бериш;
- давлат ичида ягона иқтисодий режани ташкил қилиш, яқин ҳамда узоқ хорижга чиқиш ва бошқалар.

Бозор иқтисодиётида баҳо муносабатлари қуйидаги тамойилларга асосланиши керак:

- эркин баҳоларни давлат томонидан бошқариладиган баҳолар билан уйғунлаштириш;
- таклиф қилинаётган маҳсулотларнинг баҳоларини ҳисоблашда норматив усуллардан фойдаланиш;
- товар ишлаб чиқарувчиларнинг даромад олишларини таъминлаш;
- ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш ва самарадорликни ошириш;
- нарх ва молия-кредит муносабатларининг ўзаро алоқасини оптималлаштириш;
- талаб ва таклиф таъсири натижасида мувозанатли баҳоларни шакллантириш;
- фан-техника тараққиётини, илғор технологияларни рағбатлантириш ва бошқалар.

Улар барча тамойиллар, далиллар ёдамида исботланиши лозим.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ўзларининг маҳсулотларига дастлабки баҳоларни белгилашда қуйидагиларга асосланиши мақсадга мувофиқдир:

- ◆ маҳсулотларни етиштириш учун зарур бўлган моддий-техника ресурсларининг баҳолари, уларнинг даражасига. Ҳозирги даврда улар эркин бозор баҳоларида сотилмоқда. Лекин уларни белгилашда республика шароитида монопол ҳолат мавжуд. Масалан, республикамизда тракторсозлик, машинаасозлик заводлари яккаҳоқим.

Демак, шу масалани ҳал этишда давлатнинг роли бўлиши мақсадга мувофиқдир;

- ◆ маҳсулотларни етиштириш ҳамда сотиш жараёнларидаги муносабатлар натижасига;
- ◆ қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотиш жараёнларидаги муносабатларнинг оқибатларига ва бошқаларга.

Ҳозирги даврда тармоқда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархлари таркибида ўғитлар, кимёвий воситалар, ёқилғи, ёғловчи материалларнинг, электроэнергия ҳамда асосий воситалар амортизациясининг салмоғи 45-55 фоизни ташкил этмоқда.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг баҳоларини белгилашда қуйидаги услублардан фойдаланиш лозим:

- ◆ баҳоларни белгилашда ўртача харажатлар (таннарх) ҳамда фойданинг (оптимал миқдорда) таъминланишини;
- ◆ баҳоларни белгилашда маҳсулотнинг реал қийматига асосланиш;
- ◆ баҳоларни белгилашда реал ўртача баҳоларга асосланиш. Бунда талаб ва таклиф муаммолари ҳам маълум даражада ўз аксини топади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг баҳолари даставвал талаб ва таклифни эътиборга олиши лозим. Бунинг учун маҳсулотлар сифатли бўлиши зарур. Шу билан бирга хўжаликларнинг барча харажатларини қоплаб, оптимал миқдорда фойда билан таъминланишига эришиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун улар фан-техника ютуқларини, самарали технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишлари, ишчи ва хизматчиларнинг билим ва малакаларини ҳамда тадбиркорлик фаолиятларини юксалтиришга эришишлари лозим.

Бундай тартибда белгиланган баҳолар иқтисодий жиҳатдан асосланган бўлиб, улар вазифаларини тўлиқ бажаришлари мумкин. Шундай баҳоларгина томонларнинг манфаатларини самарали равишда қондириш имкониятига эга бўлади.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда барча касб-ҳунар коллежларида ўқув ишлаб чиқариш хоналари ва лабораториялар энг сўнгги техник ускуналар, замонавий аппаратуралар билан жиҳозланган. Эндиликда асосий вазифа бундай техника ва аппаратуралардан фойдаланган ҳолда таълим беришдан иборатдир.

Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларининг билим савиясини ошириш ва уларнинг ўз касблари бўйича яхши мутахассис бўлишлари учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим;

- таълим жараёнида ўқитишнинг илғор педагогик технологиялари ва интерфаол методларини кенг қўллаш;

-фанлар бўйича ўқув-услубий мажмуалар, электрон дарсликлар ва ўқув қўлланмалар яратиш;

- таълимда ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш;

- масофадан ўқитиш тизимини жорий қилиш;

- модулли ўқитишни ташкил этиш;

- касб-ҳунар коллежлари таълим жараёнини ишлаб чиқариш амалиётлари билан боғлаш;

- касб-ҳунар коллежи ўқувчиларини илмий тадқиқот ишларига жалб қилиш;

- ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини мустаҳкамлаш ва ҳоказолар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т: Ўзбекистон, 2008. – 40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1997
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1997
4. Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ва фармонлар.- Т.:Ўзбекистон. 1992. – 19 б.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни (Янги таҳрирда)// Халқ сўзи. – 15 октябр 2004 йил
6. Ўзбекистон Республикасининг “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги қонуни. // Халқ сўзи. 6 июн 1998 йил.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги қонуни. // Халқ сўзи. 7 январь 2012 йил.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги Фармони. // Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асослари. – Т.: Фан. 2003. – 12 б.
9. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
10. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2009 йилда мамлакатимизни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2010 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2010. 30 январ

11. И.А.Каримов. БМТ саммити мингйиллик ривожланиши мақсадларига бағишланган ялпи мажлисдаги нутқи. Халқ сўзи, 2010 й. 22 сентябр
12. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи” 2010 йил 13-ноябрь.
13. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш-тракқиётимизнинг муҳим омилидир. “Туркистон” 2010 йил 8-декабрь.
14. Каримов И.А. “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти”.Тошкент 2012 йил 17 февралдаги халқаро конференция маърузаси. Халқ сўзи, 2012 йил 18 февраль
15. Каримов И.А Бош мақсадимиз-кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2012-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2013. 19 январ
16. Каримов И.А. Мустақилликка эришиш остонасида Т: “Ўзбекистон”, 2011.- 440 б.
17. Мавлонова Р, Тўраева О. Педагогика. Т.: “Ўқитувчи”, 2001
18. Ваҳобов А.В.Бозор муносабатларига ўтиш босқичидаги кўп укладли иқтисодиёт ва унинг такророн ҳосил бўлиши.,Т:Молия, 2002 й. 330 б.
19. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси. 2004.- 304 б.
20. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. Тошкент:Ўқитувчи, 2004й
21. Хўжаев Н., Ҳасанбоев Ж. Иқтисодий педагогика.Ўқув қўлланма.Т:ТДИУ,2002 й.

22. Джумабаева Ф. Талабаларни ижодий фикрлашини рағбатлантириш. Ўқув қўлланма – Т.: “Ўқитувчи”, 2002 й
23. Шодмонов Ш., Алимов Р., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. Т., “Молия”, 2002й.
24. Беркинов Б.Б., Тошматов Р.Х. Ўзбекистонда фермер хўжаликлариغا хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни ривожлантириш йўналишлари.)қув қўлланма. Т.:ТДИУ, 2007.-44б.
25. Эргашев Р.Х. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Дарслик. Т.: Extremum Press, 2011. – 416б.
26. Эргашев Р.Х. Хамраева С.Н. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. Т: Янги аср авлоди,-2012 йил.-320 бет

Интернет ВЕБ саҳифалари

- 1.http://www.usda_programs
- 2.<http://www.iuf.ru/>
- 3.<http://geliopax.tele-kom.ru>
- 4.<http://www.usaidmicro.org>
5. <http://www.ziyonet.uz>
6. <http://www.inter-pedadodika.ru>

МУНДАРИЖА

Кириш.

1. Фан ва мазунинг тавсифи.

- 1.1. “Корхона иқтисодиёти” фанининг мақсади ва вазифалари.
- 1.2. “Корхона иқтисодиёти” фанининг бошқа фанлар билан алоқаси.
- 1.3. Касб-хунар коллежларининг мақсад ва вазифалари.

2. Касб-хунар коллежларида ўқитиш методикасининг умумий масалалари

- 2.1. Касбий таълимда дидактика ва унга қўйиладиган талаблар.
- 2.2. Таълимни ташкил этиш шакллари
- 2.3. Таълим бериш жараёнининг мазмуни
- 2.4. Касбий таълим жараёнида дарсга бўлган талаблар
- 2.5. Касбий таълимнинг мазмуни. Ўқув-меъёрий ҳужжатлар.
- 2.6. Ўқитиш методларини танлаш ва асослаш. Таълим методлари
- 2.7. Касб таълими жараёнида кўргазмаларни қуроллардан фойдаланиш.
- 2.8. Техник воситалар ва улардан ўқув жараёнида фойдалиш
- 2.9. Ахборот технологиясидан фойдаланиш самарадорлиги
- 2.10. Таълим жараёнида виртуал стендларни қўллаш
- 2.11. Таълим жараёни технологиясини такомиллаштириш.
- 2.12. “Кичик гуруҳларда ишлаш” методи

3. Ижтимоий-иқтисодий масалалар мажмуаси.

- 3.1. Баҳонинг иқтисодий мазмуни, аҳамияти, функциялари
- 3.2. Қишлоқ хўжалигида ер нархи ва муво занати
- 3.3. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва сотиш баҳоларининг самарадорликка таъсири.
- 3.4. Қишлоқ хўжалигида баҳони аниқлаш ва белгилаш йўналишлари.

4. Назарий дарс ўтиш методикаси.

- 4.1. Назарий таълим беришнинг асослари.
- 4.2. «Корхонада нарх стратегияси ва уни ишлаб чиқиш» мавзусида назарий таълим бериш технологияси модели
- 4.3. Кўргазмаларни қуроллар асосида назарий дарс ўтиш методикаси.

5. Амалий машғулотлар ўтиш методикаси.

5.1. Амалий машғулотларни ўтишдан мақсад.

5.2. Амалий машғулотлар ўтишда қўйиладиган асосий методик талаблар.

5.3. Мавзу: “Корхонада нарх стратегияси ва уни ишлаб чиқиш” мавзусининг дарс ишланмаси

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати